

НИҚУҚ

Mustaqillik
huquq
demakdir

№ 25 (186),

20-26-iyun

2001-yil

YURIDIK GAZETA

Истиқлолнинг

10 йиллиги олдида

МАЪРИФАТ ЎЧОФИ

Халқимиз ўзининг чинакам байрами — истиқлолнинг 10 йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Мана шу кутлуг сана муносабати билан мухбиримиз ТошДПУ ректори Баҳром ҚОДИРОВ билан мазкур ўқув даргоҳининг жамиятимизда тутган ўрни, бугуни ва эртаси хусусида мулоқот ўтказди.

— *Мухтарам домла, айни пайтда юртимиз юксалиш босқичида. Бу босқични юқори чўққига олиб чиқувчи куч эса ёшлардир. Президентимиз: "Давлатларнинг, халқларнинг тақдирини моддий бойлик эмас, интеллектуал, яъни маънавий-маърифий бойлик ҳал қилади. Бундай бойлик устувор бўлган жойга моддий бойликнинг ўзи оқиб келаверади" деб бежиз айтмаган. Сиз раҳбарлик қилаётган олий ўқув даргоҳи — Низомий номли педагогика институти университети мақоми олд. Мазкур университетнинг Ватан истиқболдаги тутган ўрни беқиёс десак, инглишмаймиз албатта...*

— Дарҳақиқат, юрт истиқболи бугунги ёшларимизнинг, айниқса, келажакда зиёлилар қатламини ташкил этадиган ёшларимизнинг маънавиятига, маърифатига, билим савиясига боғлиқ. Шулар ҳақида ўйлар эканман, маърифатпарвар бобокалонимиз ҳазрат Беҳбудийнинг " Ҳозир янги ва бошқа-бошқа замондир. Бу замонда илм ва хунарсиз халқнинг бойлиги, ери ва асбоби кундан-кун қўлдан кетганидек, ахлоқ ва обрўйи ҳам қўлдан чиқар. Хатто дини ҳам заиф бўлур...

... Ваҳоланки, дини шарифимиз ҳам ҳар нав нафлик илм ўқумокликни бешиқдан мазоргача бизларга фарз қилгандур" деган сўзлари худди бугунги кунимиз учун айтилгандек мени хушёр тортиради. Ҳақиқатан ҳам инсониятда неки иллат, неки йўқотиш бўлган бўлса, барчаси илмсизлик, маърифатдан узқоқликнинг натижаси эди.


Энди ТошДПУнинг мустақил Ватанимиз бугуни ва келажакда тутган ўрнига тўхталсак, буни бир оғиз сўз билан таърифлашнинг имкони йўқ. Барчага маълумки, бу илм даргоҳида педагоглар тайёрланади. Яъни келажак авлодга таълим ва тарбия берувчи, уларнинг шахс бўлиб етишувига асосий ўрин тутувчи мутахассисларни тайёрлаш бизнинг зиммамизда. Масъулиятнинг улканлиги ҳам шунда. Зеро, жамиятга етук педагогларни етказиб бериш эртанги кунимизнинг асосий муаммосини ҳал қилиш билан баробардир.

— *Бу ердаги таълим жарайини боғ барпо этиш эмас, боғ яратувчи, уни парвариш қилувчи боғbonларни тайёрлашга ўхшатса булар экан...*

— Умуман, ўхшатишингиз ўринли.

— *Юртимизда ижтимоий соҳаларнинг барчасида ислохотлар давом этмоқда, шу жумладан, таълим тизимида ҳам. Университет миқёсидаги ислохотлар ҳақида гапирсангиз. Умуман, эришилган ютуқлар, ислохотлар йўлидаги муаммолар ҳақида...*

(Давоми - 8 бетда.)



А. ТУРАЕВ олган сурат

Олтин ёз — ўтмоқда соз!

Ушбу сонда



ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДИ

ЖИЗЗАХ ОЛИЙ ҲАРБИЙ
АВИАЦИЯ БИЛИМ ЮРТИДАН
РЕПОРТАЖ 6-бет

ҚОНУНЛАРИМИЗДА ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ

Асосий Қонунимизда табиат-жамият тизимидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи махсус қонда-талаблар ҳам белгиланган бўлиб, шу билан экология ҳуқуқи манбаларининг пойдевори бошлаб берилган.

7-бет

ОИЛА ФОЖЕАСИ

Тиббиёт ходимларининг хулосаларига кўра, геронинни 2-3 марта истеъмоладан қилган киши унга қаттиқ боғланиб қолади.

8-бет

Махият

Фақат нодонларгина бебошликни эркинлик дейдилар.

ТАЦИТ

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'isichilar

O'zbekiston Respublikasi
prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:**A.ABDURAZZOQOV****Tahrir hay'ati:**

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov,
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34**E-mail:** huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar e'galariga
qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.
Korxonaning manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma Γ - 2549
Nusxasi — 20609

Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00
Bosmaxonaga
topshirildi 19.30

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi

Navbatchi muharrir:**H. NISHONOV****Navbatchi: N.MAHMUDOV**

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси
прокуратураси Умумий назорат
бошқармасининг Қорақалпоғис-
тон прокуратураси билан ҳамкор-
ликда ўтказган текширувларида
аниқланишича, тегишли мансаб-
дор шахслар, мутасадди идора-
лар томонидан Вазирлар Маҳма-
масининг "2001 йил бошоқли дон
экинлари ҳосилини йиғиштириб
олишга доир ташкилий чора-
тадбирлар тўғрисида"ги қарори
талаблари етарли даражада ба-
жарилмаётганлигини маълум
бўлди.

Хусусан, Хўжайли туманидаги
"Оқ олтин" ширкат хўжалиги ом-
бор мудир К.Қўшназаров то-
монидан 107 минг 638 сўмлик, 1.250
килограмм уруглик бугдойни ҳуж-
жатларни қалбақлаштириш йўли
билан талон-торож қилганлиги
аниқланган.

Шунингдек, галла ўрими-йғи-
мига жалб қилинган ишчи ва
хизматчилар ҳамда комбайнчи-
ларга ҳар 5 кунда иш ҳақи тўлани-
ши ҳақидаги қарор талабларига
риоя қилиниши юзасидан ўтказ-
илган текширишларда Эллиққ-
альа, Беруний, Амударё туманла-
рида 16 июнга қадар ҳам иш
ҳақлари тўланмаганлиги аниқлан-
ган. Комбайнчиларга иш ҳақи си-
фатида тўлаш учун "Пахтабанк"
бошқармаси томонидан берилган
2 млн. сўм нақд пул эса вақтида
тарқатилмаган, хазиначи О.Ота-
муротова бу пуллارни ўзида сақ-
лаб келган. Бу ҳам етмагандай
пуллاردан 60 минг сўми бошқа
мақсадларда ишлатиб юборилган.
Ҳозирда мазкур ҳолат бўйича тер-
говолди текширув ҳаракатлари
олиб боришмоқда.

Булардан ташқари, текшириш-
ларда техника воситалари, дон
қабул қилиш пунктлари ва уларни
тозалаш воситаларининг мавсум-
га тайёр қилиб қўйилмаганлиги,
зарур эҳтиёт қисмлар заҳираси
яратилмаганлиги, айрим дон
қабул қилиш пунктлари ёнғин хав-
фсизлиги талабларига жавоб бер-
маслиги ва статистик ҳисоботлар
бузиб кўрсатилаётганлиги аниқ-
ланган.

Жумладан, Эллиққальа туман-

нидаги хўжаликлар-
да галла ўрими-
га жалб қилинган 12
та комбайндан 6
таси эҳтиёт қис-
мларнинг етишмас-
лиги сабабли ярқ-
сиз ҳолда эканлиги
маълум бўлди.

Шу каби Кегей-
ли туманида ўтказ-
илган текшириш-
ларда туман миқё-
сида 28 гектар бугдой майдонла-
рининг ҳисоботдан яширилганли-
ги аниқланди.

Мўйноқ туманидаги "Мўйноқ"
қишлоқ хўжалиги ширкатиде буг-
дой қабул қилиш шахобчаси ва Е-
1200 русумли комбайн ва 6 та
автомашина мавсумга тайёр
қилиб қўйилмаган.

Ушбу тумандаги "Ақкала" қиш-



лоқ хўжалиги ширкатиде эса
ҳосилни йиғиштириб олишда қат-
нашиши зарур бўлган 6 та авто-
машинадан 5 таси мавсумга тай-
ёрланмаган.

Текширишларда айрим ҳоллар-
да фуқаролар томонидан галла
майдонларининг пайхон қилини-
ши ҳолатларига йўл қўйилганлиги
ҳам аниқланди.

Масалан, Хўжайли тумани "Бег-
жап" ширкат хўжалигига қараш-
ли, Б.Жолдасовнинг жавобгар-
лигидаги бугдой даласига қора-
моллар тушиб ҳосилни пайхон
қилган, натижада хўжаликка 38
минг сўмлик моддий зарар етказ-
илган.

Тумандаги "Озодлик" ширкат
хўжалигига яшовчи фуқаро Т.Мен-
ликнинг 7 бош йилқиси эса қаров-
сиз қолдирилганлиги оқибатида
ижарачи А.Ибодуллаевга қараш-
ли 0,35 гектар бугдой майдонини
пайхон қилиб, ижарачига 30 минг
сўмлик моддий зарар келтирган.

Фарғона вилоятининг Фуркат
туманида айни ўрим қизгин пал-
лага кирган пайт 4 та комбайн
далага чиқарилмади. Бунинг ҳам
сабаби оддий, техниклар мавсум-
га тайёр эмас.

Деҳқоннинг пешона тери эва-
зига етиштирилган ҳосил айрим
масъулиятсиз комбайнчилар то-
монидан нобуд қилинаёпти. Ма-
салан, Андижон вилоятининг Из-
боскан туманидаги "Янгиқошлок"
ширкат хўжалиги галла майдон-
ларида мутахассислар кўмағида
текшириш ўтказилганда 14800
сўмлик бугдойнинг далада қолиб
кетганлиги аниқланди.

Айрим ширкат хўжаликлари ом-
бор мудирларининг қоқайдлиги
туфайли хўжаликларнинг омбор-
ларига далалардан пешма-пеш
келтирилаётган дон-дунлар си-
фатсиз маҳсулотга айланмоқда.

банк" бошқармаси томонидан гал-
ла ўрими қатнашчиларига иш ҳақи
бериш учун 90,5 млн. сўм молия-
лаштирилган бўлишига қарамай,
ушбу маблаг нақд пул билан таъ-
минланмагани оқибатида иш
ҳақлари ўз вақтида берилмаган.
Вилоят прокурори томонидан
"Пахтабанк"нинг вилоят бошқар-
маси бошқарувчиси Р.Аминовга
қонунбузилишни баратараф этиш
ҳақида амрнома берилган. Ана шун-
дан сўнггина 20 млн. сўмлик иш
ҳақи мавсум қатнашчиларига тар-
қатилган.

Айрим хўжаликларнинг омбор
мудирлари қулай фурсатдан фой-
даланиб қолиш мақсадида яши-
ринча йўллар билан галлани но-
қонуний тарзда сотиб юборишга
ҳаракат қилишмоқда. Масалан,
Сурхондарё вилоятининг Қизилқоқ
туманидаги "Истара" ширкат хўжа-
лиги омбор мудир
У. Қаршиев шу хўжа-
лик аъзоси А. Суво-
нов билан жиноий
тил бириктириб 78
минг сўмлик 2,6 тон-
на бугдойни талон-
тарож қилган.

Аниқланган

қонунбузарлик ҳолатларини бар-
тараф этиш тўғрисида ваколатли
вилоятининг Муборак туманидаги
"Гулистон" ширкат хўжалиги ом-
бор мудир Н.Салимов 10 тонна
донни тозалаш ва қуритиш чора-
сини кўрмаган. Оқибатда "Мубо-
ракдон" акциядорлик жамияти си-
фатсиз маҳсулотни қабул қилма-
ган. Ортиқча йўл харажати сарф-
ланиб, Қарши шаҳар автокорхо-
насига 30 минг сўм ва Чироқчи
туман автокорхонасига 19 минг
сўм зарар етказилган.

Моддий манфаатдорлик бор
жойда ишнинг унумли бўлиши ҳеч
кимга сир эмас. Галла ўрими қат-
нашчиларига туманлардаги банк
муассасалари ва хўжаликлар то-
монидан ҳар 5 кунда иш ҳақини
тўлаш ва ўрим сифатига қараб
моддий рағбатлантириш бораси-
да алоҳида кўрсатма берилган
бўлишига қарамастан белгилан-
ган тартибга риоя қилинаёпти.

Қашқадарё вилояти "Пахта-

қонунбузарлик ҳолатларини бар-
тараф этиш тўғрисида ваколатли
вилоятининг Муборак туманидаги
"Гулистон" ширкат хўжалиги ом-
бор мудир Н.Салимов 10 тонна
донни тозалаш ва қуритиш чора-
сини кўрмаган. Оқибатда "Мубо-
ракдон" акциядорлик жамияти си-
фатсиз маҳсулотни қабул қилма-
ган. Ортиқча йўл харажати сарф-
ланиб, Қарши шаҳар автокорхо-
насига 30 минг сўм ва Чироқчи
туман автокорхонасига 19 минг
сўм зарар етказилган.

ХАБАР**ПРОКУРОР ЁРДАМЧИЛАРИНИНГ
ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Қонунчиликни мустақамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Марказининг Фарғона вилояти Қирғули тумани прокуратураси филиалида навбатдаги машғулотлар бўлиб ўтди.

Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари прокуратураларининг умумий назорат, судларда фуқаролик, жиноий ва хўжалик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўйича ёрдамчилари, катта ёрдамчилари прокуратура идоралари умумий назорат фаолияти билан боғлиқ қонунлар юзасидан текширишларни ташкил этиш услублари, "Прокуратура тўғрисида"ги, "Судлар тўғрисида"ги қонунлар ва Бosh прокурорнинг тегишли буйруқларидан келиб чиқадиган вазифалар бўйича ўз билимла-

рини оширдилар.

Машғулотларда Фарғона вилоят прокурори Ю.Абдукаримов, Марказ директори, юридик фанлари номзои Ф.Раҳимов, унинг ўринбосари, юридик фанлари номзои Ф.Шодмонов, Республика криминалистика илмий-текшириш институти Марказининг Андижон бўлими бошлиғи Т.Отабоев, прокурорлар, судьялар, тармоқ соҳаларининг раҳбарлари ва мутахассислари юқоридаги дастур доирасида маърузалар билан чиқиди.

Машғулотлар сўнггида тинловчилар имтиҳон топширдилар.

И.ИБРОҲИМОВ,
"Хуқуқ" муҳбири



САҲИФАЛАРИМИЗДА СИРДАРЁ ВА ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРА ИДОРАЛАРИ

ПРОКУРОРНИНГ МАҚСАДИ — ҚОНУНИЙЛИК

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ПРОКУРОРИ Э.БЕРДИМУРОДОВ БИЛАН СУҲБАТ

Тўра СУЛАЙМОН,
Ўзбекистон халқ шоири

ЕТОЛМАДИМ

Эргаш Жуманбулбул ўғлининг армонлари

Хурриятдан олдинги йиллари бир туманбоши Эргаш Жуманбулбул ўғлига:

— Сиз эл кезган, кўпнинг назарига тушган, донг қозонган оқинсиз. Нималарга етиб, нималарга етолмадингиз? Армонингиз борми? — деб савол берганларда ул зот шундай жавоб берган эканлар:

Мен бу улус армонининг поёнига етолмадим, Осмон қадар хирмонининг поёнига етолмадим. Бундан келган зиёнининг поёнига етолмадим, Ранги рўйи сомонининг поёнига етолмадим.

Йигитлари қирққа қирмай қариб бўлганга ўхшайдир, Ўз тупроқ, ўз ошёнида гариб бўлганга ўхшайдир, Бўй қизлари келин бўлмай ҳориб бўлганга ўхшайдир, Ҳазон бўлган гулшанининг поёнига етолмадим.

Итнинг боши олтин тосда, оёқлар устувор бунда, Қай бир ёқдин келган ноҳўр, саёқлар устувор бунда. Покдомонлар хор-зор, қалби қуроқлар устувор бунда, Сарсони, саргардонининг поёнига етолмадим.

Тоши бирла тарозуси қай бир эгри қўллардадир, Ҳазинасин қулф-қалити ўзга нафси горлардадир, Мулк эгаси кимлар ўзи? Билмам улар қайлардадир, Хайрсиз хайр-эҳсонининг поёнига етолмадим.

Боши бирикмаган элнинг тайғоғи кўп, айғоғи кўп, Ўз ичидан ўт чиқарар сайроғи кўп, қайроғи кўп, Бош-бошига қози калон, олақуроқ байроғи кўп, Ҳайронининг, вайронининг поёнига етолмадим.

Ғайир эл дўстга айланса, иззат эҳтиром бошланур, Ҳакам бўлмоққа шайланса, сурон, интиқом бошланур, Гар туйнугиндан бўйласа... элда қатли ом бошланур: Қадрсиз қабристонининг поёнига етолмадим.

Кўронин ерда қолдирмас норлари борми бу элнинг?! Боғлараро зог йўлатмас сорлари борми бу элнинг?! Азобли халқни олдинга чорлари борми бу элнинг! Юрак-бағри гирёнининг поёнига етолмадим.

P.S. Шоирнинг юрагини зардобга тўлдирган ҳақсизликларга мустақиллик тўфайли чек қўйилди ва унинг шоғирлари эндиликда озодлик бахтини бор овозда тараннум этмоқдалар.

— *Эшмамат ака, яқинда мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлаймиз. Сизнинг назарингизда ўтган давр мобайнида прокуратура идоралари фаолиятининг асосий мазмуни нималарда кўзга ташланади?*

— Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда кучли ҳуқуқий база вужудга келтирилди. Юзлаб қонунлар, ўнлаб кодекслар яратилди. Янгича бозор инфратузилмалари, ҳуқуқий муносабатлар, демократик тамойиллар асосидаги жамиятнинг бир қатор муассасалари яратилган ҳуқуқий база асосида шакллантирилди. Бунда албатта қонунлар ижроси устидан ўрнатилган назоратнинг алоҳида ўрни бор.

Шунингдек, прокуратура фаолиятида жиноятчиликка қарши кураш, жиноятчиликнинг олдини олишга оид ишлар алоҳида аҳамиятга эга.

Илгари биринчи навбатда давлат мулки ҳимоя қилинган бўлса, энди барча турдаги мулклар қонун томонидан муҳофаза қилинмоқда. Масалан, Сирдарё вилояти прокуратура идоралари фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, судларга 2000 йилда 148,5 млн. сўмлик 989 та, жорий йилнинг ўтган даврида эса 65,4 млн. сўмлик 334 та даъво аризалари киритди.

— *Эшмамат ака, прокуратура идораларининг келгуси фаолиятида қандай ўзгаришлар бўлишини истардингиз?*

— Ўтган ўн йилликда қилинган ишлар сарҳисоб қилинаётган, яна айнан янги таҳрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси муҳокама этилаётган бир вазиятда бундай савол берилиши табиийдир. Чунки жамият ривожланмоқда.

Баъзида даврнинг шиддатидан, воқеаларнинг ривожидан хайратга тушасан. Мана шундай вазиятда "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунни янгича таҳрирда қабул қилиш эҳтиёжи туғилди. Назаримда, прокуратура фаолиятини кучайтириш билан бирга, энг аввал унинг қатор ваколатларини сақлаб қолиш муҳимдир. Чунки, айнан шу ваколатлар устида кўплаб мунозаралар бўлмоқдаки, ҳатто "прокуратуранинг ўзи керакми, у қайси ҳокимият бўғинига мансуб" деган саволлар ҳам буй кўрсатиб қолди. Судлар билан прокуратура идораларининг муносабати масаласи ҳам, жойларда туман-шаҳар, вилоят ҳокимлари устидан назорат масаласи ҳам мунозараларга сабаб бўлмоқда. Менимча, таъшилланишга асос йўқ. Прокуратура идораларининг шу вақтгача амалга оширган ишлари бу саволларга тегишлича жавоб эмасми? Қонун бор экан, табиийки,



назорат ҳам бор. Бу — аксиома.

"Прокуратура ҳокимиятнинг қайси тармоғига қиради" деган саволга Ўзбекистон Конституциясининг XXIV бобида жавоб бериб қўйилган. Прокуратуранинг фаолиятига унинг вазифалари ва бажараётган ишларига қараб баҳо бериш керак. Биз эндигина ҳуқуқий жамият қурмоқдамиз, ҳамма

ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ англаб етгани йўқ. Судлар мурожаат қилинган ҳолат бўйича ишларни қўриб чиқадилар, прокуратура эса қонун бузилишини ўзи аниқлаб, уларга нисбатан чора кўради. Шундай ҳолатда прокуратура яна ҳам кўпроқ масъулиятни ўз зиммасига олиши, қонунбузилишларга йўл қўйилмаслиги учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи барча идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб бориши лозим. Бунинг учун эса ходимларимизнинг тажрибаси, масъулияти оширилиши ва уларнинг ижтимоий муҳофазаси яна ҳам кучайтирилган бўлиши керак.

Мен яқин 2-3 йил ичида прокуратура идоралари замонавий компьютер ва алоқа воситалари билан тўлиқ таъминланишини истардим. Прокуратуранинг структуравий тузилиши эса давр талабларига қараб мукамаллаштириб бориши керак.

— *Мустақиллик байрами муносабати билан юртдошларимизга тилакларингиз?*

— Прокурорнинг олдига қўйилган вазифа битта — қонунийлик. Бинобарин, фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданияти янада юксалтириш ва бунда ҳамкасбларимизнинг яна ҳам фаолроқ иштирок этишлари тарафдориман.

Юртдошларимизни, шу жумладан, касбдошларимизни мустақилликнинг 10 йиллиги билан табриклайман. Масъулиятли ишларида муваффақиятлар тилайман. Юртимизда тинчлик, осоишталик, қонун устуворлиги барқарор бўлсин.

Суҳбатдош: М.АБДУРАҲМОНОВ



Равшан МУХИДДИНОВ,
Жиззах вилояти прокурори

Мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга санокли кунлар қолди. Мана шундай кутлуг сана арафасида ҳар бир киши, ҳар бир фуқаро амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиши, ўзича баҳо бериши табиий. Ўтган мuddат мобайнида ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлида жуда салмоқли ишлар қилинди. Энг аввало, мамлакатимизда вужудга келтирилган "ҳуқуқий пойдевор" хусусида тўхталмоқчиман. Очик тан олиш лозим, мустақилликкача бизда қонунчилик бўйича алоҳида йўналиш йўқ эди. "Марказ"да қабул қилинган қонунлар биз учун "эталон" ўрнини ўтаб, ўша "қолип"дан четга чиқиб хайлга ҳам синмас эди. Эндилик-

ИНСОН ШАЪНИ МУҚАДДАС

да мамлакатимиз қонунлари амалиётда муваффақиятли қўлланилмоқда.

Гап қонунларнинг амалга татбиқ этилишига келиб тақалар экан, бу ўринда прокуратуранинг олмаслигининг иложи йўқ. Ҳеч эътирозсиз мамлакатимиз ҳуқуқий жараёнларида прокуратуранинг ўзига хос ўрни бор. Бунинг боиси қор, албатта. Ҳуқуқий онг, тафаккур ва маданиятни юксалтиришга ҳали эҳтиёж туғилиб турган бир шароитда прокуратура қонунлар ижроси назорати фаолияти билан фуқароларга кўмак келаётганлиги бор гап.

Бугун прокуратура идоралари кириб борман соҳа қолмади. Умумқтисодий, фуқаролик ҳуқуқларининг ҳимояси, ижтимоий таъминот, ҳуқуқий тарғибот... қўйингки, қаерда қонун бўлса, ўша ерда унинг назорати прокуратура зиммасида. Утиш даврининг чекимизга тушган бундай шарафли вазифасини бугун барча прокуратура ходимлари тўри англамоқдалар.

Олий Мажлисининг навбатдаги сессиясида Президентимизнинг жазо амалиётига оид билдирган фикрлари ҳудди шундай хусусиятнинг бир кўриниши десак муболаға бўлмайдими. Қонунларимизнинг, хусусан жиноят ва жиноий-процессуал кодексларининг инсонпарварлик тамойилларидан кенгроқ фойдаланиш, айтиш мумкинки, ҳуқуқий-демократик жамият қуриш-

да янада юқори поғонага чиқиб демакдир.

Жиззах вилояти прокуратура идоралари ҳам айнан шу ташаббусни тўла қўллаб-қувватлайдилар. Айбланувчи, гумон қилинувчи шахсларга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллашда кафилят, гаров усулидан фойдаланиш, жиноят оқибатида етказилган зарар қопланган ҳолатларда шахснинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси, унинг ҳаёти, эркин жамиятда яшашганлиги доимий эътиборимизда.

Бу фикрларни давом эттириб, ҳуқуқий-демократик давлат қуришининг босқичма-босқич давом этирилишининг, ривожлантирилаётганлиги суд тизимидаги ишловларни мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрирда синовчилик билан пиштилаётганлиги ҳам давлатимиз ҳуқуқий ҳаётида катта воқеадир. Айниқса, лойиҳада жамоатчилик билан алоқаларга муҳим ўрин берилганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Айтиш жоизки, бу ҳам жамиятни демократлаштириш сари илгарига қараб ташланган муҳим қадамдир.

Фурсатдан фойдаланиб барча юртдошларимизни, яқинлашиб келаётган байрам билан табриклайман. Юртимизда тинчлик ва осоишталик абадий бўлсин.

ИСЛОХОТ ЧОРРАХАЛАРИДА

"Хуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам кўзи ҳам, сўзи ҳам — қонуқдор" — бу ибора аллақачон мамлакатимизда оммавийлашиб кетди. Бу бежиз эмас. Зеро, мушаккиллик ҳам, унинг туб мақсади ҳам қонуний манфаатларни, ҳақ-ҳуқуқларни ҳимоя қилиш мақсади. Биз бу тамойиллардан озгина бўлса-да, чағимаслигимиз лозим. **Очқ гал, хуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида кўп тер тўкишга тўғри келмоқда. Бунинг сабаблари кўп. Фақатгина "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" тўғрисидаги, "Монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобатни ривожлантириш" тўғрисидаги қонунлар ижросини олиб кўрайлик. Уларга эътибор кучли. Биргина "Хуқуқ"нинг ўзида бу мавзуга бир неча бор мурожаат қилинди. Менинг назаримда, айнан шу масала қайта-қайта муҳокама қилишга, мунозара қилишга арзирли. Бунинг ҳам боиси бор.**

Мустақиллик туфайли мамлакатимизда бозор инфратузилмалари шаклланиб келди. Бугун мулк, тадбиркор, рақобат, лицензия каби тушунчалар бизга бегона эмас. Нарх-наво, талаб ва таклиф каби атамалар онгимизга сингиб кетди. Мана шундай вазиятда бозор муносабатларини аянда маданийлаштириш, уни адолатли қонунларга мувофиқ тарзда ташкил этишга уриниш долзарб вазифага айланди. Эътибор беринг, атрофингизда қанчадан-қанча "майда" деб ҳисоблаб, эътиборсиз қолдирадиганмиз — қонунобузликларни содир бўлмоқда.

Харид қилган товарингизга чек берилмаслиги, савдо-сотик шартномаларининг бузилиши, товарларнинг сифати оид сертификатларнинг тақдим этилмаслиги кўп учраб туридиган ҳолатлардир. Мана шундай пайтда истеъмолчилар ҳуқуқларига оид талаблар кўп олавида бузилаётганидан таажубланасан. Бундай ҳолатлар нафақат товар бозорларида балки бошқа соҳаларда ҳам учраб туради...

Қишлоқ ҳўжалиги Жиззах вилояти иқтисодийнинг асоси, вилоят ички маҳсулотининг 56 фоизи айнан шу тармоқдан ҳосил қилинади. Бинобарин, ушбу тармоқдаги

2000 ЙИЛНИНГ ОРТИҚЧА ҲҲ ИККИ МИЛЛИОНИ

ислохотларни чуқурлаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Вилоятнинг Зарбдор туманида ҳам кўплаб фермер ҳўжаликлари, ширкат ва ижара ҳўжаликлари мавжуд. Уларга Зарбдор тумани машина-трактор парки хизмат кўрсатади. Ушбу давлат ҳиссадорлик жамиятида мустақиллик шарофати билан келтирилган 12 дон "Магнум" русумли ва 9 дон "Кейс" русумли машиналар ишлаган. Барчамизга маълумки, "Магнум" дан фақат ер ҳайдаш ишларида фойдаланилади. 2000 йилда "Магнум" тракторлари билан ширкат, фермер ҳўжаликларининг ерлари шудгор қилинган.

Қилинган хизматлар учун жами 7 млн. 931 миң сўм ҳақ ундирилган. Лекин ушбу хизмат ҳақи Жиззах вилояти Молия бoшқармаси бўлими томонидан белгиланган меъёрлардан анча кўп. Меъёрга

кўра 6 млн. 836 миң сўм хизмат ҳақи ундирилиши лозим эди. Лекин кўриб турганингиздек 1 млн. 95 миң сўм кўп нарх белгиланган ва ундирилган.

Худди шунингдек, Зарбдор тумани машина-трактор парки томонидан 9 та "Кейс" комбайни билан ҳўжаликларнинг 4595 га галласи ўриб берилган. Бунинг учун 56 млн. 637 миң сўм хизмат ҳақи ҳисобланган. Бинобарин, вилоят молия бoшқармаси нархлар бўлими томонидан белгиланган меъёрга кўра ҳар бир гектар ўрилган ер учун 9962 сўмдан хизмат ҳақи ун-

дирилиши, бунга юқорида келтирилган жами ер майдонига "чақадилган" бўлсақ, 47 млн. 120 миң сўмни ташкил этиши лозим эди. Яъни 9 млн. 520 миң сўм ортиқча олинган. Шундай қилиб, 2000 йил давомида Зарбдор тумани машина-трактор парки томонидан жами 12 млн. 882 миң сўмдан ортиқ хизмат ҳақи ундирилган.

Мана сизга бозор майдонидида "якка от чопиши", мана сизга монополизмнинг "ўзим бўлай" қабилдаги кўриниши.

Туман прокуратурасининг аравашу билан ушбу микдордаги "хизмат ҳақи" қонуний эгаларига қайтарилди.

Хулоса қилиб айтганда, бозор иқтисодиёти шароитида рақобат учун адолат зарур экан.

Шавкат МАРДОНОВ,
Зарбдор тумани прокурори

ЭЪТИРОФ**ИНСОН — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ**

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУНЛАРНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Хуқуқий-демократик давлат барпо этишининг бош тамойили — инсоннинг қадр-қимматини улуғлаш, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир. Истиклолга эришга, республикамизда ҳам инсон ҳуқуқларининг умуминсоният томонидан эътироф этилган демократик қадриятларига оғишмай амал қилиш изчил амалиётга айланди. Бу жараён халқимизнинг ўзига ҳослиги-га, унинг аъналари ва урф-одатларига ҳам тўла мос келади.

Маълумки, инсонпарварлик — инсоннинг шахс сифатида тан олинishi, қадр-қиммати ва ҳуқуқларининг ҳурмат қилиниши, унинг яшаш фаровонлигини ошириб бoришга интилишини ҳимоя қилишни ихтимой тароққиётнинг мақсади сифатида изоҳлайдиган нафақат юридик, балки миллий ахлоқий принцип ҳамдир.

Мазкур тамойил Конституциямизда ҳам қайд қилинган бўлиб, унда жамиятни ривожлантиришининг асосий вазифаси инсонпарвар демократик жамият, ҳуқуқий давлат қуриш эканлиги зълон қилинади. Бу ҳолат Асосий қонунимизда "Ўзбекистон халқи — инсон ҳуқуқларига содиқлигини тантанали равишда зълон қилиб" деган жумлалар билан ифодаланган. Инсонпарварлик тамойилига берилган бу устуворлик Конституция асосида қабул қилинган барча қонунларга ҳам худди шу тарзда сингдирилган.

Маълумки, инсоннинг эр мўқаддас ҳуқуқларидан бири бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи мазкур ҳуқуқни тўла рўбга чқариш жамиятни эркинлаштиришининг энг муҳим шарти ҳисобланади. Собик СССР давридаги баланларвоз, сохта гуманистик қонунлардан фарқли ўлароқ, мустақил Ўзбекистон Конституциясида инсон омилига асосий эътибор қаратилиб, жамиятдаги барча масалаларни олий қадрият ҳисобланган инсонпарварлик неғизидида ҳал қилиш қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Бу ҳолат Конституциянинг 13-моддасидаги "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади" дейилган бўлса, 25-моддада бу принцип "Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга" деган жумлалар билан ривожлантирилган.

Бундан ташқари, мустақиллик шарофати билан "айбсизлик презумпцияси" қонуний мустаҳкамлаб, унинг амалдаги ижроси кафолатланди. Яъни гуноҳ қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунча ва қонуний кўчга қирган суд ҳукми билан аниқлангунча қадар айбсиз деб ҳисобланади. Қонуларимиз, шунингдек, халқаро ҳуқуқий меъёрларга мос равишда, қўynoқ, зўрлик ва бошқа тарздаги инсон қадр-қимматини камситувчи ҳаракатларни таъқиқлайди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 5-моддасида "Ҳеч ким азоб-уқубатга ёки ваҳшийларча, инсонлиқа инсон бўлган ёки қадр-қиммати хўрлайдиган муомала ва жазога мустаҳкам бўлмалиги керак", — дейилган бўлса, Ўзбекистон Жиноят Кодексининг 7-моддасида ушбу ҳолатлар "жазо ва ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бeриш ёки инсон қадр-қимматини камситиш чораларини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқдан тузалиши ва янги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш учун зарур ҳама етарли бўлган жазо таъинлашни ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилиши керак" деган меъёрлар билан акс эттирилган.

Шунингдек, "олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят ҳақида хабар бермаганлик ёки жиноятни яширганлик учун гуноҳ қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари жавобгарлиқа тортилмайдилар", — деган қонун талаби оилада соғлом муҳитни сақлаб қолиш, қайсидир шахсининг жиноят содир қилиши, унинг қариндош-уруғлари ўртасида алоқалар узилиб кетишининг олдини олиш, қариндошларни ҳам жавобгарлиқа тортиш билан оила бўлиниб кетиши каби оғир оқибатларга олиб келмаслик мақсадини кўзлайди. Дарҳақиқат, жиноят-процессуал қонунчилигимиздаги гуноҳ қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг яқин қариндошлари кўрсатув бермаганлик учун жавобгарлиқа тортилмаслик нормаси ҳам инсонпарварликнинг эркин намунасидир.

Ушбу мақолада қонунчилигимиздаги инсонпарварлик, тамойили ҳақида фикр юрита туриб, кўпроқ шахс ҳуқуқини чеклаш назарда тутилган нормаларга тўхталиб ўтдим. Чунки ушбу қонунлар алоҳида ҳолларда ваколатли шахсларга шахс ҳуқуқларини чеклаш ҳуқуқини бeрса-да, айни вақтда қўлланилаётган қонун нормалари ҳуқуқи чекланаётган шахсининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади. Шу боис ҳам айнан шу мисолларда инсонпарварлик тамойиллари яққолроқ кўзга ташланади.


Бахтиёр АХМЕДОВ,
Янгир шаҳар прокуратураси терговчиси

Жиззах вилояти 1973 йилнинг 29 декабрида ташкил топан. Худуди 21,2 миң км². Ўзбекистоннинг марказий минтақасида жойлашган бўлиб, Сирдарё, Самарқанд вилоятлари, Тожикистон ва Қозғистон давлатлари билан чегарадош.

Аҳолиси 680 миң киши бўлиб, унинг асосий қисми (69 %) қишлоқларда яшайди. Аҳоли зичлиги 1 кв. кмга 46 кишини ташкил этади. Аҳолининг асосий қисми деҳқончилик, қорвачилик билан банд. Вилоят аҳолиси ҳар йили 24 миң кишини кўпайтади.

Вилоятда бозор иқтисодиёти тарихи ташкил топмоқда. Бугунги кунда мавжуд 8693 та юридик ҳўжалик субъектларининг 7501 таси нодавлат секторда фаолият кўрсатмоқда. Ҳўжалик субъектларининг 214 таси ўрта, 986 таси кичик қорхона ва 7042 таси микрофирмалардир. 2000 йилда ялли ички маҳсулотлар ҳажми 85,8 млрд сўмни ташкил этган. Ялли ички маҳсулотнинг 56 фоизи қишлоқ ҳўжалигига тўғри келади. Бугунги кунда вилоятда 4623 та фермер, 136 та ширкат, 6 та жамоа ҳўжалиги мавжуд.

Жиззах вилоятининг 527 та умумий таълим мактабларида 252,7 миң нафар ўқувчи билим олмақда. 187 та мактабгача тарбия муассасаларида 15,6 миңга яқин кичкинтойлар тарбияланимоқда. Вилоятдаги 2 та олий ўқуш юртида 4,6 миң талаба, 9 та лицейда 3532 нафар, 9 та касб-ҳуноар коллежиди 1459 нафар талаба таълим олаётки.



Суратда: Жиззах вилоят прокуратурасининг умумий назорат бўлими бошлиғи Ш. Турдибеков бўлим ходимлари А. Эгамбердиев ва А. Анқабоев.

ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ**БАРКАМОЛ АВЛОД — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ**

2001 йил мустақиллигимиз ўн йиллигини нишонлашдек тарихий сана бўлиши билан бирга юртимиз спорти тарихида ҳам муносиб ўрин олмақда.

Мамлакатимиз тарихида илк бор ўрта-маҳсус таълим муассасалари талабалари иштирокида Жиззахда "Баркамол авлод" спорт ўйинлари ўтказилди. Ушбу ўзига хос "кичик олимпиада"нинг аҳамиятини, Жаҳон Олимпия қўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч ҳам муносиб баҳолади.

Мамлакатимиз президенти ташаббуси билан ташкил этилган ушбу спорт мусобақалари қандай кўтаринки тарзда ўтганлигини барчамиз оммавий ахборот воситалари орқали яхши биламиз. Энг муҳими, мамлакатимиз спортини ривожлантириш сари яна бир илдам қадам қўйилди. Озод ва барқарор давлатгагина бундай юксак тарздаги спорт мусобақалари ярашади.



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

СЎЗ – СОВРИНДОРГА

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

Ташкил топган йили — 1963 йил. Ҳудуди — 5100 кв. км. Асосан чўл минтақасидан иборат бўлиб, шимолдан Қозоғистон, жанубдан Тожикистон давлатлари, шарқ ва ғарбдан Тошкент ва Жиззах вилоятлари билан чегарадош.

Сирдарё вилояти маъмурий жиҳатдан 9 та туман, 3 та вилоятга бўйсунувчи шаҳарга бўлинади. Вилоят маркази — Гулистон шаҳри.

Аҳолиси 648 минг киши бўлиб, 60 фоизи қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилади.

Сирдарё вилояти электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиёда етакчи ўринда туради. Бу ерда жойлашган Сирдарё ГРЭСи мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 30 фоизини, Марказий Осиёда ишлаб чиқариладиган жами электр қувватининг 25 фоизини беради.

Шунингдек вилоятда Гулистон ёғ экстракт, қатор похта тозалаш, дон махсулоти корхоналари мавжуд.

Илмга интилиш, уламо-ю фузало бўлиш бизга аж- додларимиздан мерос. Буюк мутафаккирларимиз Бе- руний, Ибн Сино, Улугбек, Ал-Фарғонийлар издоши эканлигимизни биз ёшлар доим ҳис қилиб турибмиз. Зеро, бундай тарихий издошлик, қолаверса истиқлол- га эришган юртни ободроқ, фаровонроқ қўриш масъ- улятини унутишга ҳаққимиз йўқ.

“Бир кун туз тортган жойга қирқ кун салом” мақоли топиб айтилган. Бизни оқ ювиб, оқ тараб воёга етказ- ган ватанимиз учун ҳар қанча хизмат қилсак арзийди. Шу ўринда ёшларимиз ва юрт мавзусига бир оз тўхталмоқчиман.

Маълумки, мустақилликдан илгарии ташвиқот-тар- гибот ишларининг негизига “жамоавийлик” ғояси ётар эди. Амалга оширилган ишларнинг маҳсули тенг бўлинарди. Яъни, иқтидорли ҳам, иқтидорсиз ҳам, меҳнаткаш ҳам, ялқов ҳам моддий неъматлар тақси- моотида тенг эдилар. Табиийки, бундай ҳолат ташаб- бусни бўғишга хизмат қилар, илмли, иқтидорли, меҳ- наткаш кишиларнинг ташаббускорлиги сўниборар- ди.

Эндиликда бунинг ақсини қўрмоқдамиз. Ким меҳ- наткаш, тadbиркор, иқтидорли бўлса ўз меҳнати- нинг натижасидан кўпроқ манфаатдор. Айни пайтда бундан жамият ҳам фойда кўради. Чунки яратилган янги лойиҳа энг аввало жамият учун, халқ учун кўпроқ фойдала бўлсагина муваффақият қозониши бор гап.

Мана шу ҳолатнинг ўзи биз ёшлар учун кўпроқ изланишга, яратишга, елиб-югуришга даъват этувчи неъматдир.

Юқоридаги фикрларимни далиллаш учун ўз тажри- баларимга мувожаат қилмоқчиман. Мен 1975 йил Жиззах туманида туғилдим. Отам “Самарқанд” ижара ҳўжалигида ишчи, онам терапевт врач. Урта мактабни муваффақиятли tugатиб, Жиззах педагогика институ- тининг биология факультетига ўқишга кирдим. Бола- лагимдан хужайра, ген каби сўзлар менга таниш. Онам врач бўлгани учун бу атамаларни эртароқ ўзлаш-

тирманман. Талабалик йилларимда ҳам, сўнгра аспи- рантурада ҳам шу соҳага қизиқишим ортиб борди. Республикаимизда ягона микробиология институтидиги тадқиқотларимизда генетик инженерия йўли билан янги биотехнологияларни яратиш асосий мақсадимиз бўлди. Урни келганда бир гапни айтиб қўяй. Генетик инженерия, биотехнологиялар — фаннинг энг юқори чўкиларидан бири ҳисобланади. Ушбу фан ҳозирда XXI аср фани сифатида эътироф этилмоқда. Мана шундай илмий йўналишнинг мамлакатимизда ривож- ланаётганидан хурсандман.

Илмий изланишларимизнинг асосий мақсади си- фатида маҳаллий микроорганизмлар — бактериялар ҳужайрасидаги ирсий ахборотни кодлаштириш йўли билан тупроқ таркибини биологик азот билан бойитишни белгилаб олдиқ. Изланишларимиз тез орада самара берди. Устозларимиз қўмағида яратган илмий тадқиқотимиз меваси — “Биокристалл” препа- рати дунё юзини кўрди. Юқорида айтганимиздек ма- ҳаллий бактериялар асосида тайёрланган ушбу пре- парат Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги қўмағида ҳозир лаборатория шароитларида синиб кўрилмақда.

Энди сўзимни мухтасар қилиб, юқоридаги жамо- авийлик ва индивидуаллик ҳақидаги фикрларга қайт- сам. Мамлакатимизда “Муаллифлик ҳўкуқи ва турдош ҳўқуқлар тўғрисида” Қонун бор. Ҳар ким ўз ижодининг маҳсулига эгаллик қилиш ҳўқуғига эга. Бинобарин жамиятга наф келтириш эвазига шахсий фаворонлик- ка эришиш, ўз иқтидорининг мевасига яқка эгаллик қилиш ҳўкуқи эндиликда чекланмаган. Биз ёшлар мана шундай имкониятдан чўқурроқ фойдаланиши- миз зарур. Шундагина юртимиз мустақиллигига, унинг тараққиётига, фаворонлигига муносиб ҳисса қўшаган бўлаемиз.

Сайёра МУРОДОВА, “Зулфия” мукофоти совриндори, биология фанлари номзоди, Жиззах педагогика институти ўқитувчиси

ЮРТ ФИДОЙИЛАРИ



Анвар КУРБОНОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони

МЕХНАТДА ҲИКМАТ КЎП

худди шу ерда, яъни одамларга нафи тегадиган меҳнатда!

Умримнинг кейинги ўн йили мус- тақиллик йилларига тўғри келади. Аёни, мустақилликдан илгарии режа ортидан қувиш авж олган эди. Си- фат эса ҳеч қимчи қизиқтирмасди. Бу уйларда эртага яшаб бўладими ундаги кулайликлар талабга жавоб берадими-йўқми, ҳеч қимчи қизиқ- тиримасди. “Типовой” деган ибора ўша йилларга тааллуқли. Қурилган уйларнинг тарҳи бир хил, бир-бири- нини такрорлайди. Мирзаўл худу- дининг заҳкаш, ерости сизот сув- лари яқин, унинг устига иқлими кескин континентал. Мустақиллик- кача бўлган биноларда булар ҳисоб- га олинган дейсизми? Темир-бет- ондан шоша-пиша битирилган уйлар ёзда иссиқ, қишда соғуқ бўлишини, бунинг устига заҳқа таъ- сирчанлигини ҳамма билади. Бу- нақа бинолар озмуна қурилдиими? Ҳақиқий, ҳар томонлама талабга жавоб берадиган, маҳаллий шаро- итлар ҳисобга олинган биноларни қуриш бизнинг авлодга ҳам насиб этди. Бунинг учун шўкр. Ҳозир кураётган биноларимизни кўриб, ўзимнинг ҳам ҳавасим келади. Гу- листон туманида биз курган касб- ҳўнар коллежини ҳам мустақиллик тимсоли деса бўлади.

Ҳаммаси маҳаллий хомашёдан. Мамлакатимиз бой эканлигини кўз- кўз қилувчи бу бинолар пардозига ишлатилган гранитлар, мрамлар илгарии каерда эди? Миллий мь- морчилик аъналарини ўзида муж- сасамлаштирган бу биноларни роса бир ярим йил деганда фойда- ланишга топширдик.

Мен ҳаётимнинг мазмуни, ҳик- мати меҳнатда дедим. Бунинг бои- си бор. Айтинг, меҳнат билан банд одам ўғирлик қилиши мумкинми? Виджон, савоб деган гаплар кўпроқ меҳнаткашга тегишли эмасми? Олти нафар фарзандимни шу тах- лит катта қилдим. Икки фарза- ндимни уйли-жоили қилдим. Катта ўғлим Шокиржон менинг касбимни эгаллади. Замонавий бола эмас- ми, ўзини қуришлик фирмасига ўрди. У ерда мулк хусусий, шу боис хусу- сий бюрютмаларни бажаришди. Қолган фарзандларим ҳам воёга етиб қолишди. Дарвоқе, улар ҳам тинч ўтиришгани йўқ. Гулистон ту- мани “Дўстлик” жамоа ҳўжалиги- дан ижарага ер олишган. 10 га галла, 21 га пахта фарзандларим қарамоғида. Меҳнатимизга яраша натижасини кўрмоқдамиз.

НАЗОРАТ

БИЗНИНГ ҲАМ ҲИССАМИЗ БОР

Айни вақтда мамлакатимизда галла ҳосилини ўри- йиғиб олиш ва давлатга топшириш қизгин давом этмоқда. Сирдарёлик деҳқонлар ҳам бу борада белги- ланган режаларни ошири билан уйдлашга жазм эт- ганлар. Жорий йилнинг 11 июни кунига қадар вилоят ҳўжаликлари томонидан давлатга 65252 тонна галла топширилган. Ҳосил салмоғи бундан ҳам катта, уюлган хир- мон бундан-да юқасқ бўлиши мумкин эди. Агарда ҳамма ўз вазифасига виждонан ёндаш- ганида, халқ мулкига хиёнат қилмаганида...

Хуқуқ-тартибот идоралари томонидан галла нес-нобуд бўлишига, талон-торожиқ, ташмачиликка йўл қўймаслик чоралари кўрилаётганлигига қарамасдан ана шундай ҳолат- лар содир этилаётганлиги қайд этилмақда. Хусусан, Меҳнат- бод туманидаги Н.Юнусов но- мли деҳқон-фермер ҳўжаликла- ри бирлашмасида хирмон му- дири лавозимда ишлаб кел- ган К.Холбеков КаМаОС-5320 ав- томашинаси хайдовчиси Д.Со- лиев билан ўзаро тил бирикти- риб 7100 кг. бугдойини А.Бобо- евга 355 минг сўмга сотиб юборган. Ушбу ҳолат бўйича уларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаларига кўра жиноят иши қўзғатилди.

Шунингдек, Гулистон дон маҳсулоти хирсондор- лик жамиятига галла ташинишга жалб қилинган “Зил ММ3-554” автомашинаси хайдовчиси Ф.Ирисалиев ҳам мазкур корхонага галла ташиниш вақтида хирмон- дан ортилган 24 минг сўмлик бугдойини номаълум шахсларга сотиб юборган. Бу ҳолат бўйича ҳам жино- ят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борил- моқда.

Текширишларда ҳосилни йиғиштириб олиш вақти- да бошқа ноқонуний ҳолатларга йўл қўйилаётганлиги ҳам аниқланди. Масалан, Боевут туманидаги “Галла- хор” дон қабул қилиш пунктида 6 июнь кун 24 та ҳўжалиқдан қабул қилинган доннинг лаборатория ҳу- солалари чиқарилмаганлиги оқибатида қуниқ ҳисо-

бот ва тезкор маълумотларни тузишда ноаниқликлар вуҷудда келган. Ҳизмат вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашиб, юқоридаги ҳолатга йўл қўйганлиги учун пунктнинг лаборатория мудири Ш.Ғойибназарова нисбатан интизомий иш қўзғатилди.

Буни қарангли, қинғирликнинг юз ҳили бўлишидан “Ховосдон” ҳиссасдорлик жа- миятидагилар яхши хабардор эканлар. Текширув жараёнида уларнинг ҳам найранглари фoш этилди. Улар тумандаги “Хумо” фермер ҳўжалигидан 6 июнь кун 10870 кг. дон қабул қилиб олиб, унинг намлиги 13,3, ифлослиги 3,90 фоизли- ги ҳақида лаборатория ҳуло- саси тузишган. Назорат тар- тибдаги таҳлилда эса галла- нинг намлик даражаси 13,2, ифлослиги 4,1 эканлиги аниқ- ланди. Худди шунингдек, “Раб- бим” фермер ҳўжалигидан қабул қилинган галланинг ла- боратория ҳулосасида ҳам ҳақиқий ҳолат кўрсатилмаган экан.

Лаборатория таҳлилининг нотўғри ўтказилганиги оқибати- да ҳўжалиқларга 5352 сўм қўп ҳақ тўланган ва корхонага шўнча миқдорда зарар етқа-



зилган. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан жамиятга амрона қиритилиб, етказилган зарар қопланган ва ўз вазифа- сига масъулиятсизлик билан ёндашганиги учун ла- боратория мудири Ф.Насруллаевга нисбатан интизо- мий иш қўзғатилди.

Вилоят прокуратураси идоралари ходимлари ҳам галла ҳосилини йиғиштириб олишдек масъулиятли дамларда деҳқонлар билан ёна-ён дала кезиб, галла хирмонлари юқсаллишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Уйлаётганимиз, бундай ҳам- корлигимиз галлани қисқа кунларда нобудгарчилик- ларсиз йиғиштириб олишда асосий омили бўлади.

Т.ҲУДОЙБЕРДИЕВ, Сирдарё вилоят прокуратурасининг умумий назорат бўлими бошлиғи

РЕПОРТАЖ

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДИ

Бундан роппа-роса етти йил муқаддам — 1994 йил 20 июнь куни Президентимиз Фармонига биноан Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти ташкил этилган эди. Мазкур билим юртига ташрифимиз ана шу кутлуг сана арафасига тўғри келди.

Олтин қанот кушлар учсин...

Олдинига Авиация билим юрти Жиззахнинг анча четида жойлашган бўлса керак деб уйлагандим. Шаҳарнинг марказий қўчасидан чапга қайрилиб, бироз юргандик, равон асфальт йўлни шлагбаум билан тўсиб олган, бошларига панам кўндириб олган икки нафар аскар бизни тўхтатди. Ҳазирги таништираганимиздан сўнг кўп ҳам кутмадик. Ичкаридан бир майор бизга пешвоз чиқди.

— Хуш келибсизлар, меҳмонлар! Қани марҳамат.

Билим юрти қираверишидаги мрамар билан қопланган сулага кўндирилган "темир қанот" бизни дарров ҳаяжонга соди. Кабинетдан чиқмай, куни билан ёзув-чизув билан овора биз журналистларни бу тахлит ҳолатлар дарров ҳаяжонга солиши табиий. Ҳамроҳимизни саволга тутаман.

— Эски самолёт. Қирувчи. Ҳозирги ёшлар замонавий, янгиларида учшмоқда, — жавоб беради у.

Ичкарига одимлаймиз. Энг биринчи кўзга ташланадигани — аэрофинг чиннидек озодлиги. Очиқлиб турган гулларни, ям-яшил майсазорларни, эндигина ҳосилга кирган кўчталарни кўриб кўзинг қувонади. Кўчалар супурилган, йўлақлар чиннидек ярқирайди.

Тўғриси бундай озодликни кўриб, бу ерда фақат эркақлар яшашига ишонгинг ҳам келмайди. Авиация билим юрти штабига кириб борар эканмиз, бир аjoyиб расм диққатимизни тортди. "Жалолдин Мангуберди" орденининг тасвири аjoyиб-эстетик тарзда

ЖИЗЗАХ ОЛИЙ ҲАРБИЙ АВИАЦИЯ БИЛИМ ЮРТИ ФАОЛИЯТИДАН

жойлаштирилганки, гурунинг уйғонади.

Штабга кириб борар эканмиз, навбатчи аскар аниқ бир ҳаракат билан эшикни очиб юборди-да, ўнглаиб "тошқотди". Нарироқда яна бир жуфт аскар турар, улар ҳам "ҳарбийчасига" саломлашдилар. Кенг, озода, ёруғ хоналарга кўз ташлаб ўтарканмиз, ҳамма ўз иши билан банд эканлигининг гувоҳи бўлдик. Мана шахсий таркиб билан ишлаш бўйича командир ўринбосарининг хонаси. Бизни майор За-

манлар, "жанговор бошқариш офицерлари", "техник-инженерлар" тайёрлайдиган факультет мавжуд экан.

Билим юртига кириш шартлари билан қизиқамиз.

— Тиббий текширишлардан, психоанализ, суҳбатлардан ўтган ёшлар бизга қабул қилинади, — дейди ҳамроҳимиз, — шунингдек, улар ДТМнинг тестларини ҳам ечишадди.

Йўлақдан кетиб борар эканмиз, кўчталарга кўзимиз тушди.

— Умринг ўтишини қаранг, бу кўчталарни дастлабки "қалдирғоч" курсантларимиз экишганди. Бу йил улар мевага қиради. Мана ўқув коргусимиз, қани марҳамат...

Бизни Ватан кутади!

Узун коридорнинг икки чети ўқув хоналари. Дарслар бир маромда кечмоқда. Доскаларда аллақандай мураккаб чизмалар, столларда аллақандай деталлар. Ҳаммасидан бир-бир ўтиб борамиз. Афтидан, ўқитувчилар хонаси бўлса керак, кириб борган хонамизда фақат офицерлар бор эди. Икки-учта курсантларни таклиф қилдик ва суҳбатга тордик.

— Мен Баҳром Ёқубов, 1980 йилда Марғилон шаҳрида туғилганман. Отам нефтни қайта ишлаш заводига ишчи, онам ўқитувчи, синглим ва акам бор.

— Учувчи бўлишни тушингизда кўрувдингизми? — ҳазиллашаман мен.

— Болалигимдан орзу қилганман. Мана ҳозир III курс талабасиман. Самолёт двигателларининг инженер-механиклиги касбини ўзлаштиряпман.

— Учувчи бўлолмайсиз-ку?...

— Ҳечқиси йўқ! Шахсан ўзим рунда ўтирмасам ҳам, тез-тез "Осимонга кўтарилиб" туришни касбим тақозо қилади. Қолаверса, ўша учувчилар, "техник инженерсиз уюлмайдилар!" Бу бор гап. Мен касбимдан фخرланаман.

Яна бир курсантни суҳбатга тортамиз.

— Мен Фуркат Нуоров, Бухородан келганман. Ҳозирда учувчи-қирувчи факультетининг III курс талабасиман. Бу ерда ўргатилмаётган билимлар бир умрга онгимда муҳрлаиб қолмоқда. Замонавий техника сирларини ўрганишнинг ўзи-ўзгача олам.

— Тартиб-интизом қандай?

— Аъло даражада. Бизда бир олтин қоида бор. Уни сиз ҳам эши-

тинг. "Ўртоқларга муносабат ҳам ватани ҳимоя қилиш демокдир". Тўғриси ҳам шу. Бугун кўпроқ билим олишимиз тартиб-интизомга ҳар томонлама боғлиқ.

— Фуркатбек, бу ерда яна қандай тадбирлар ўтказилади?

— Байрамлар тез-тез бўлиб туради. Дам олиш вақтлари мазмунли ташкил этилган:

Спорт билан шугулланишга ҳамма имкониятлар бор.

Ҳарбий прокуратура томонидан учрашувлар уюштирилади. Жиззах гарнизони ҳарбий прокурори Арслон Холиқов курсантларнинг дўстига айланган.

Суҳбатимизга яна майор Зафаржон Абдуллаев қўшилдилар:

— Биласизми, билим юртини битирган офицерларимиз аллақачон мамлакатимизнинг турли ҳудудларида жанговор кўриқчиликда туришибди.

Биз ҳақли равишда ўтган йили Сарисийё ва Узун туманларида жанговор вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган Шермуҳаммад Ашуров билан фخرланамиз. II



Билим юрти курсантлари ҳарбий қасамёд қабул қилмоқдалар.

сарияти миллий кадрлар. Мен ўқиган билим юрти билан солиштирадиган бўлсам, бизники ҳам қолишмайди. Тренажёрлар, аэродром, ўқув базаси бизда ҳам мавжуд. Биз эндиликда амалий машғулотга эътибор бермоқдамиз. Ҳозирги талабаларимиз дунёнинг энг замонавий ҳаво кемалари ҳақида маълумот олиш имкониятига эга. Хуллас, улардан кам жойимиз йўқ.

Осимонимиз мусавфо бўлсин

Билим юрти ҳовлисига кўндирилган вертолётлар ҳозир учиб кетадигандек. Ортага қайтар экан-



фаржон Абдуллаев қабул қилди.

— Мен бўлим катта офицери-ман. Бошлиғимиз ҳозир таътилда, — дейди у кулимсираб.

— Ҳозир нима билан бандсиз? — сўрайман қизиқиб.

— Албатта юбилей ташвишлари билан бандмиз. Бу йил тайёргарлигимиз ўзгача. Яна офицер ва хизматчиларимизнинг фарзандларини дам олишга қузатиш билан ҳам шугулланяпман.

— Каерга, дам олишга?

— Оромгоҳларга. Ҳукуматимизнинг эътибори туфайли фарзандларимиз мана шундай имкониятга эга. Энди юринг, билим юрти билан таништирай.

Бизга маълум бўлишича, билим юртида учта — "учувчилар, штур-



Парвоз олдидан.

даражали "Шон-шухрат" ордени соҳиби Шермуҳаммад билим юртимизни битирган аълочи талаба эди.

Европаникдан қолишмайди

— Билим юрти шахсан Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган — дейди яна бир суҳбатдошим Б.Холмуродов. — У Марказий Осийёда ягона ҳисобланади. Мен вертолёт, самолёт двигателларидан фойдаланиш бўйича катта ўқитувчиман. Узоқ йиллар авиацияда хизмат қилдим. Ҳозир Латвияда, Даугавпилс Олий ҳарбий билим юртида ўқиганман. У пайлар вақти келиб мамлакатимизда худ шундай билим юрти ташкил этилиши ҳаёлимизга ҳам келмасди. Мустақиллик туфайли ўзимизда ҳам шундай имконият пайдо бўлди. Илгари бизнинг миллатимиздан камдан-кам учувчи чиқарди. Ҳозир кўрдингиз, талабаларнинг ак-

миз билим юрти тепасида кўрагини байроғимиз тасвири билан бўяб олган вертолёт пайдо бўлди. Фурлансанг арзийди.


— Ҳозир IV курс талабаларимиз учиб майдонларига кетишган, — дейди суҳбатдошимиз. — Курсантларимиз шу ерда саф тортишадди, — таништиради у. Дарвозадан чиқар эканмиз бизга яна бир офицер қўшилди:

— Шаҳаргами ака, бирга кетсак! Машинага ўтирар эканмиз, у уйига қайтаётганини айтди:

— Бугун уйдан телеграмма олдим. Илк фарзандли бўлибман. Қизалок. Раҳбарлардан жавоб олиб оилам олдига қайтапман.

Қайтар эканмиз, мана шундай забардаст, фидойи аскарларимиз, зобитларимиз бор экан, осмонимиз мусавфо, кўнглимиз хотиржам эканлиги ҳақида ўйлаб борардим.

А.МУСТАФОҚУЛОВ,
"Ҳуқуқ" муҳбири



Билим юртида таҳсил олаётган курсантлардан бир гуруҳи.

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

ЁШЛАР — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

Маълумки, бир асрдан зиёд давом этган мустамлака даврида табиат қонунлари ҳамда маҳаллий иқлим шароитини ҳисобга олмай юритилган нотиқри сиёсат оқибатида ўлкаимизнинг экологик аҳоли кескин ёмонлашди. Айниқса, собиқ СССР таркибида Ўзбекистоннинг хом ашё базасига айланганлиги иқтисодий ва экологик вазиятни янада мураккаблаштирди. Натижада атроф-муҳитнинг ифлосланиши, туپроқнинг ҳаддан ташқари шўрланиб кетиши, унумдорликнинг пасайиши, ҳайвонот оламининг таназзулга учраши, сув манбаларининг кимёвий ашёлар билан захарланиши янада кучайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган илк кунлардан бошлаб атроф-муҳит соғлигини сақлашга, ягона экологик сиёсат масаласига жиддий эътибор қаратди. Бу сиёсатнинг асосий йўналишлари атроф-муҳитни муҳофаза этиш, табиий манбалардан оқилона фойдаланиш ва ularни қайта тиклашга қаратилган бўлиб, ушбу муносабатларни тартибга соладиган ер, сув, ўрмон, ерости бойликлари, ҳайвонот ҳамда табиати муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни янада такомиллаштиришдан иборатдир.

гимизнинг моддий асосини ташкил этувчи табиий бойликларнинг халқ бойлиги, мулки эканлиги, иккинчидан, табиий ресурслардан фақат оқилона фойдаланиш зарурлиги, учинчидан, республикаимиз табиати давлат муҳофазасига олинганлиги, яъни экологик, ҳуқуқий муносабатларнинг давлат томонидан кафолатланиши каби муҳим тамойилларни мустаҳкамлайди. Асосий Қонунимизнинг 100-моддасида маҳаллий давлат ҳокимият органлари ваколатларининг асосий йўналиши сифатида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби масъулияти эътироф этилган. Конституцияимизнинг қоида-талаблари ва тамойиллари асосида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик ҳавфсизлигини таъ-

КЕЛАЖАККА ҚЎЙИЛГАН АСОС

Мен Абдулла Авланийнинг *"Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир"* деган фикрини кўп мушоҳада қиламан. Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида мамлакатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир.

Ислом ҚАРИМОВ

ҚОНУНЛАРИМИЗДА ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ

ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқи давлат мустақиллигининг асосий белгиларидан ҳисобланади. 1992 йил 8 декабрда мамлакатимизнинг Конституцияси қабул қилинди ва шу билан Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати йўналишлари белгилаб, республикаимиз мустақиллигининг сиёсий, иқтисодий асослари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Шунинг билан табиат-ҳаётий таъминотидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи махсус қоида-талаблар ҳам белги-ланган бўлиб, шу билан экология ҳуқуқи манбаларининг пойдевори бошлаб берилган.

Асосий Қонунимизнинг 50, 54, 55 ва 100-моддаларида табиати муҳофаза қилиш, табиий бойликлариимиздан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ экологик ҳуқуқий қоида-талаблар акс эттирилган. Қонуннинг 50-моддасида "Фукаралар атроф, табиий муҳитга эътибор қорона муносабатда бўлишга мажбур дилар", — дейилиб, фукараларнинг экологик мажбуриятлари Конституция даражасида мустаҳкамланган.

Конституциянинг 55-моддасида "Ер, ерости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умумийлик буюклидир. Улардан оқилона фойдаланиш зарур"лиги ифодаланиб, давлат экологик сиёсатининг асосий тамойиллари белги-лаб берилган. Ушбу қонуннинг аҳамияти шундаки, биринчидан, мустақилли-

минлашга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинди. Улар сирасига "Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида", "Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида", "Давлат санитария назорати тўғрисида", "Сув ва сув-дан фойдаланиш тўғрисида", "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида", "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улاردан фойдаланиш тўғрисида", "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улاردан фойдаланиш тўғрисида", "Ерости бойликлари тўғрисида"ги қонунларни ҳамда "Ер кодекси"ни киритиш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган қонун ҳужжатларида табиатимизни асраш, ундан моддий фойдаланиш ва маданий завоқ олиб яшашнинг ҳуқуқий асослари ўрнатилган. Мазкур қонунлар ноаминамизни келажак авлодга тоза, мусаффо ҳолда қолдириш хар бир фуқаро учун ҳам фарз, ҳам қарз эканлигини унутмасликка ундовчи муҳим норматив ҳужжатлардир. Демак, мамлакатимизда экологик қонунийлик тизими мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. Эндиги вазифа эса, ушунга қаратиб эътибор қилиш ва муҳофаза қилувчи органлар томонидан экология оид қонун нормаларининг ижросини таъминлашдан иборат.

Ж. ҲАЙЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузурдаги Давлат ва
ҳамяят қурилиши академияси
тингловчиси

ПРОКУРАТУРА НАЗОРАТИ

НАФСИГА ҚҮЛ БЎЛГАНЛАР

Бирон бир соҳага четдан туриб ҳаққоний баҳо бериш қийин, жумладан соғлиқни сақлаш соҳасига ҳам. Иссиқ жон, умрида касал бўлиб шиfoxонада даволанмаган киши кам топилади. Даволаниб чиққач, тиббий муолажаларида ташқари ширин сўзлари билан ҳам дардингизга малҳам бўлган шиfoxорларни узоқ вақт эслаб юрасиз. Бирок беш қўл баравар эмас деганларидек, бу соҳада ҳам нафсидан бошқани ўйламайдиганлар учраб туради. Республика прокуратураси идоралари Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг қўйи тизимларида "Фуқаролар соғлиқни сақлаш тўғрисида"ги Қонун ижроси юзасидан ўтказган текшириш яқунлари шундай фикр юритишга ундайди. Текширишларда Қорақалпоғистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар бошқармалари, уларнинг жойлардаги

муассасаларида юқорида қайд этилган қонунда белгиланган вазифалар тўлақонли бажарилмаётганлиги, улар фаолиятини мувофиқлаштиришга масъул бўлган вазирлик томонидан эса амалий ишлар етарлича ташкил этилмаганлиги аниқланди. Бундан ташқари, идоравий назоратнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, молиявий ҳисоб-китоб тизиминдаги совуққонликлар оқибатида бюджет маблағларининг талон-тароғ қилинишига йўл қўйиб келинган. Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар "Тибтаминот" жамоа корхонаси ошбор мудири С.Қувватова эса 552 минг сўмлик товар-

моддий бойликларни талон-тароғ қилган. Ушбу ҳолатлар бўйича жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда. Бу каби ҳолатларни бошқа вилоятлардаги тиббиёт муассасалари фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Республика патолог анатомия марказида ўтказилган текширишда бош ҳисобчи С.Турунова иш ҳақлари, мухофот, моддий ёрдам ва дори-дармонлар учун ажратилган 1537,5 минг сўмни, Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли бўлим таъминоти базаси мудири О.Ҳакимов ва унинг ҳамтовоқлари 18 млн.

сўмлик дори-дармонлар, тиббиёт жиҳозлари ва ҳўжалик молларини талон-тароғ қилган. Каттақўрғон тумани марказий шиfoxонаси бош ҳисобчиси И.Эргашев эса 1999 йил август ойидан 2000 йилнинг ноябрь ойига қадар тўман марказий шиfoxонасига қарашли қишлоқ врачлик амбулаториялари ходимларига иш ҳақи учун берилган лозим бўлган 4 млн. 457 минг сўм пулни ўзлаштириб юборган. Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда. Текширишлар натижасига кўра тегишли идораларга кўрсатмалар берилди, қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан жиноят ишлари қўзғатилган. Ш.ЗУЛФИЕВ,
Республика прокуратураси
бошқармасининг катта прокурори

Мамлакатимиз келажаги сўзсиз кадрлар тайёрлашга бевосита боғлиқ. Шу жиҳатдан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Миллий дастур тасодифан пайдо бўлгани йўқ. У узоқ йиллар мобайнида олиб борилган тайёрларнинг натижасидир. Бунда президент Ислом Қаримовнинг хизматлари бекиёс. Мамлакатимиз йўлбошчисининг нуқтлари ва маърузларида дастурининг асосий қоидалари илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилган. Мазкур дастур давлатимиз сиёсати ва ижтимоий тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистонда олиб борилаётган барча ислохотлар каби ушбу дастур ҳам босқичма-босқич тўрбга чиқарилади. Биринчи босқич — ўтиш даври бўлиб, 1997-2001 йилларда, яъни 4 йил давомда жорий этилади. Бу босқичнинг асосий вазифаси янги талабларга жавоб бера оладиган педагог кадрларни тайёрлаш, ўқув стандартларини яратиш ва янги ўқув дастурлари устида ишлаш, умумтаълим мактабларини қайта қуриш, уч йиллик таълим берувчи ўрта-махсус ва касб-ҳунар билим юртлири тизимига асос соладиган тадбирларни амалга оширишдан иборат.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да иккинчи босқич 2001-2005 йилларга, учинчи босқич эса 2005 ва кейинги йилларга мўлжалланганлиги таъкидланган. Миллий дастурда мактабга таълим босқичида болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси учун шароит яратиш, уларни мактабга самарали тайёрлаш кўзда тутилган. 9 йиллик умумий таълимни тамомлаган ўқувчилар бундан кейин ўзининг хоҳиш-иродаси ва интилишига қараб икки турдаги уч йиллик ўқув юртлири — академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўқишни мажбурий-ихтиёрий давом эттириш имкониятига эга бўладилар.

Миллий дастур талабига кўра ёшлар уч йил академик лицейларда ўқиш жараёнида олий ўқув юртлирига кириш учун аниқ мақсадларга йўналтирилган фанларни ўрганадилар. Касб-ҳунар коллежларида эса энг муҳим ҳунарларни ўрганиб чиқадилар. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига кўра олий таълим икки босқичли (бакалаврият ва магистратура)дир.

Бакалаврият — мутахассислик йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир. Магистратура аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Аспирантура ва докторантура олий ўқув юртидан кейинги таълим босқичлари ҳисобланади. Бу босқич диссертация ҳимоясига қаратилган. Яқунга кўра танланган мутахассислик бўйича фан номзоди ва фан доктори илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар топширилади.

Умуман олганда бугун мамлакатимизда кўплаб академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ишлаб турибди. Янгиларнинг қурилиши эса давом этмоқда. Уларда минглаб ёшларимиз таълим олишга япти. Бу жараёни буюк келажакка қўйилаётган мустаҳкам асос дейишга тўла-тўқис ҳаққимиз.

Наргиза МИРЗААХМЕДОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва
ҳамяят қурилиши академияси тингловчиси

ФАХРИЙЛАР ҲАКИДА ҲИКОЯЛАР



СОҲА ОТАХОНИ

Машинамиз Тошкент айланма йўлининг Ҳасанбой ДАН пости олдиди тўхтади. Узини сержанг Музаффар Абзалов деб таништираган ўрта бўйли, тўладан келган йигитга мақсадимизни айтдик. У бироз ўйланиб тургач, "Айбга буюрмайсизлар, қишлоғимизда ким кўп, Комил акалар кўп. Қайси бирини сўраясизлар? Э, шошманг, шошманг, ўзимизнинг Комилжон акани сўраясизлар, шекилли" деди. "У кишини кўплар ҳурматларини жойига қўйиб "прокурор тоға" деб ҳам аташади."

Ҳаммамиз баробар қулишдик. Сардор тушмагур жуда гапга чечан, шинаванда экан чоғи, ташрифимиз сабабини яна суриштириб кетди.

— Энди ука, "Устоз отангдан улуг" деган гаплар бор, отахоннинг бир қўлларини сиқиб, хол-аҳвол сўраб кетайлик деб келаямиз, — деди ҳамроҳимиз — Республика прокуратураси кадрлар бошқармаси прокурори Баҳром Назаров.

Сардор ҳам бўш келмади. "Мен ҳам жон-жон деб сизлар билан борардим-ку, хизматчилиқ-да".

Сўхбатимиз шу жойга келганда Ҳасанбой қишлоғи фуқаролар йиғини биноси томонидан икки киши кела бошлади.

— Касалнинг тузалгиси келса, унга шифокорнинг ўзи рўпара келаркан. Ишинлар ўнгидан келди, — деди табассум билан "постовой" йигит. — Уларнинг бири Жўра ака Исмоилов, иккинчиси Аброр ака Абдуллаев бўлишади. Қишлоғимиз тadbиркорлари. Агар битта майиз топишса-ю, Комил прокурор билан бўлишиб ёйишмаса ёки ҳафтада бўлмаса ҳам, ўн кунда бир марта биргалашиб ош ёйишмаса уйқулар келмайди.

Жўра ака ҳам уч-тўрт кундан бери отахонни кўрмаганларини, ҳали аллақачна "гинанинг" тагидида қолиб кетишларини айтиб йўл бошладилар. Йўл-йўлақай сўхбатимиз Комил аканинг фазилатлари, қўйингки ҳақиқий "Комил инсон" эканликлари тўғрисида бўлди.

Бу таърифлардан кейин бизда у киши билан яқиндан танишиш иштиёқи янада кучайди...

Кўча эшикни Комил аканинг умр йўлдошлари Муҳайё ая очдилар. Салом-алиқ қилиб, ҳовлига кирдик. Қишлоқ жойлари учун одатий бўлган ҳолат. Ҳовли сатҳи иккига бўлинган. Паст тарафда мўъжазгина иссиқхона, атмосфера турли сабзавотлар қисилган. Мевали дарахтлар ҳосилга кирган. Теварак покиза қилиб сугуриб-сидирилган. Ҳамма нарса ўз ўрнида.

Дастлабки таассуротларимизданок хонадон соҳибининг нозик табиилати ва талабчан инсон эканликларига амин бўлдик.

Пешайвон ўртасига қўйилган хонтахта устиди нималарнидир ёзиб ўтирган Комил ака бизни кўриб вазминлик билан ўрнидан турди. Йўл кўрсатувчилар ҳам, шогирдлар ҳам устоз билан кучоқ очиб самимий қўришдилар. Муҳайё аянинг олдидарида туриб Комил акага разм соламан. Тўладан келган, сочларига оқ оралаган, гапирганда қулгичлари ўзига жуда ярашиб турадиган "қахрамонимиз"нинг ҳақиқатдан ҳам самимий инсон эканлиги шундоқ сезилиб турарди. Комил ака қадрдони Жўра акадан ўпкаланди:

— Бундай, кетяпмиз деб сиз

қоқиб қўйсанг бўлмасмиди? Уларнинг-ку майли, кунда-шундасан. Меҳмонларнинг олдиди уятли қилдинг. Бундоқ соч-соқолни қиртишлаб, янги кўйлагимни кийиб турардим.

Комил аканинг бу самимий ҳазилдан атрофдагилар яйраб қулишди. Хол-аҳвол сўрашишдан бошланган сўхбатимиз бора-бора асосий мавзу, у кишининг умр зарварларига уланиб кетди.

38 йил. Инсон умрининг асосини ташкил қилувчи бу йиллар ичиди Комил ака Ҳақимов фақат қонун устуворлигини таъминлаш учун курашиб келдилар. Прокуратура соҳаси бўйича турли катта-кичик лавозимларда сидқиқидан фаолият кўрсатдилар.

Саксонни қоралаб қолган фаришталардек бу камтарин инсон бошидан ўтган ҳаётий лавҳаларини шу қадар аниқлик билан ҳикоя қилар эдиларки, у кишининг хотирасига қойил қолмай илож йўқ эди. Эндиликда тарихга айланиб қолган воқеалар, уларнинг иштирокчилари, бир сафда меҳнат қилган инсонларнинг исми-шарифларини тўлалигича ёдга олишлари кишини ҳайратга соларди.

Стол устиди Комил аканинг хизмат вақтида тушган фотосуратлари. Барваста келбатли бу инсоннинг кўксини кўплаб орден ва медаллар безаб турибди. Бу Улуг Ватан уруши йилларида кўрсатган ҳасоратлари ва шарафли шу билан бирга ўта масъулиятли прокурорлик даврларидаги хизматлари учун берилган мукофотлар эди.

— Ун саккиз ёшга тўлган йилим уруш бошланиб қолди, — деб ҳикояларини давом эттирдилар Комил ака. — Уч дўстим билан гапни бир жойга қўйиб ҳарбий комиссариатга ариза кўтариб бордик. Бизни кўнглиллар қатори махсус тайёргарликдан кейин фронтга жўнатишди. Дастлаб разведкачилар сафда хизмат қилдим. Украинанинг

кўплаб қишлоқларини душмандан озод қилишда қатнашдим. Воронеж шаҳрини фашистлардан ҳалок этиш вақтида огир яраланиб, ҳарбий шифохонада узоқ вақт даволашнига тўғри келди. Ярам жиддий бўлганлиги сабабли қайтариб юборишди. Тез-тез азоб бериб турадиган оёғимдаги жароҳат ўрни ва мана шу ранги ўчиб, четлари қайрилиб кетган суратлар менга урушдан эсдалик бўлиб қолган.

Комил ака иккинчи суратни қўлига олар экан, бир ҳўрсиниб қўйди.

— Мана бу ёнимда турган тўрт йигит ўзбекистонлик эди. Суратга тушганимизнинг учинчи куни

мина портлаши натижасида ҳаммалари ҳалок бўлишган, — мезбон бир зум жим қолди. Уртадаги сукунатни бузишга ҳеч ким жазм этмади. — Разведкага чиқиб юрган вақтларимда "Эсон-омон юртимга қайтсам, албатта ўқиб қонун ҳимоячиси бўламан", деб ният қилгандим. Оллоҳга минг марта шукур, орзуларим амалга ошди.

Комил ака Ҳақимов 1947 йил Тошкент юридик институтини имтиёзли диплом билан битириб, Самарқанд вилоятининг пойриқ туманига прокурор ёрдамчиси вазифасига ишга тайинланди. Қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчилар билан мurosасиз кураш ёш юстиринг шiori эди. Йиллар кетидан йиллар ўтди. Комил ака тажрибасини, малакасини ошириб борди.

Орадан бир йил ўтгандан сўнг, у прокурорлар малакасини ошириш курсини тугатиб келган чоғларида раҳбарият бу ёш йигитнинг гайратини, билимини инobatта олиб, унга Тошкент вилояти Паркент тумани прокурори лавозимини ишониб топширишди. Ана шу йили Комилжон ака эндигина 25 ёшга тўлган эди...

Кейинчалик Комилжон ака Сурхондарё вилоятининг Жарқўрган, Шеробод, Бойсун туманларида, Тошкент вилоятининг қатор шаҳар ҳамда туман прокуратураларида ҳалол ва самарали меҳнат қилди.

— Сурхондарёда ишлаган йилларимни ҳақиқий ҳаёт мактаби бўлди десам хато қилмайман, — деб эслайдилар Комил ака. — Шеробод-Бойсун туманлараро прокурори бўлиб иш бошлаганимнинг илк кунларида огир ва мураккаб жиноятни очишга тўғри келиб қолди. Хизмат доирамиз кенг, бунинг устига аҳоли асосан тоғлик худудда яшади. Идорада икки терговчим билан ишлардик. Уша даврларда транспорт кам, тоғ қишлоқларига эса отда ёки эшақда бо-

ришга тўғри келарди. Оилам, болачақамни ҳали кўчириб келмаганлигим сабабли мўъжазгина меҳмонхонада ижарада турардим.

Идорамиз билан турар жойим оралиги унча олис эмас эди. Қўлимни юйиб, кийимларимни алмаштириб ҳовлига чиқсам котибамиз бир йигитча билан мени кутиб туришибди.

— Бу йигитча Томархўд қишлоғидан экан. Бир ярим кун йўл юриб, зарур иш билан сизни қидириб келибди. 60 километр жойдан эшақда келибди, бечора.

Унга аста разм солдим. 14-15 ёшлардаги тоғлик бола, қўрайиб кетган. Усти-боши бир ҳолатда.

— Қани ўтир-чи, — деб уни ёғоч ўриндиққа ўтказдим. — Нима гап? Отинг нима?

— Кўпайсин, — деди ерга қараб. — Проккурор сиз бўласизми?

— Ҳа, менман. Нима ишинг бор эди?

Кўпайсин бир ютиниб олди-да, аста гап бошлади.

— Ойим юборди. "Районга бориб катталарга учраш, ёрдам беринглр деб айтгин", дедилар.

— Нима бўлди?

— Акамни ўлдириб кетишибди.

— Нега?

— Билмадим.

— Нима иш билан шугулланарди?

— Чўпон эди. Қишлоғимиз қишлоқ хўнотчилирини боқарди...

...Йул узок ва азобли эди. Кўпайсин келган қишлоқ катта йўлдан сўнг икки довондан кейин экан. Уч киши кечгача йўл юриб, шомга яқин қишлоққа кириб бордик. Маълум бўлишича, ўша оқшом қишлоққа қўй-эчкиларнинг ўзлари чўпонсиз кириб келишган. Ўртаси кунни ҳам ундан дарак бўлмагач, хавотирга тушган яқинлариди Қодирни излаб бориб, уни катта арча тағидан калтакланган ҳолда топишган. Кечга бориб жони узилган.

Ким уни бу ҳолатга солган бўлиши мумкин? Жиноятчилар шу ерликми ёки қўшни қишлоқданми?

Сўров-суриштирувларнинг учинчи кун калаванинг учи топилигандек бўлди. Уша мудҳиш воқеа содир бўлаётган пайтда қўшни дарада йўнаб юрган болалар жанжални кўришгани, улар уч киши эканлигини, биттасининг қўйлаги қизил рангда бўлганлигини айтишди.

Қишлоқнинг икки боши бир қадам. Гап ётмайди. Гувоҳнинг бу гапидан кейин ҳаммамнинг кўнглидан анчадан бери фойдали бирон ишга бўйни ёр бермай юрадиган ҳамқишлоқлари Салим ўтади. Ўртоқлари ҳам ўзига ўхшаган бетайин.

Тахминлар тўғри чиқди... Қолган тафсилотни Салимининг ўзи айтиб берибди. Уч улфат эрталабдан тўпланибди, тоғ ён бағрида дам олмақчи бўлишган. Қишлоқ гузаридан гўшт топиша олмай, қолган майда-чўйдаларини халтага солиб йўлга чиқишган. Соё бўйида улфатлар яримта арқонни ичиниб, "қизибди" олишади. "Қишлоғимизга бир меҳмон бўлиб келибсизлар. Қуруқ жўнатсам уят бўлади" дейди Салим улфатларига қараб. "Гўшт тополмаган бўлса, тоғда нима кўп қўй-қўзи кўп. Биттасини шартта суямиз. Ана сизга гўшт-ёғ".

Қодир боқувидиги молларни ҳайдаб бориб, улфатчилик бўлаётган ерга келиб қолади. Қараса улар териси оқ-қора қўзичокни

сўйиб, ёнларига илиб қўйишибди. Қодир улардан нега бундай қилишганини сўраб, қўй бировники эканлигини айтиди. Улфатлари олдиди "обрўси тушган" Салимининг жазавасти тутиб, Қодирга ташланади. Қолганлари ҳам муштлашувни авж олдирадилар...

Жиноятчининг қолган икки шериги ҳам шу кунидек қўлга олинади.

Бу Комил аканинг синчковлиги, тажрибалилиги туфайли тез кунда ниҳоясига етказилган кўплаб ишларнинг бири эди.

Уқарда ишламасин, ёшлар тарбиясига катта аҳамият берарди. Уларга касб маҳорати, масъулият ҳақида намаслаҳатлар бериб, устозлик қилди. Комилжон аканинг неча ўнлаб шогирдлари бугунги кунда мустақил ўзбекистонимизнинг фаровонлиги йўлида ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Шу ўринда соҳа отахонининг яна бир яхши фазилатларини айтиб ўтиш ўринлидир. Отасининг насиҳатларига умр бўйи содиқ қолган Комил ака дўст-биродар ортиришга жуда катта эътибор билан қараганлар. Сурхондарёлик Шодмон Эгамбердиев, Эсиргал Муҳаммадиев, паркентлик Бозорқўжа Улуғқўжаев, бекободлик Фарход Зуфайров, Ортиқ Мўминов каби кўплаб қадрдонлари билан ҳамон тез-тез қўришиб туришади.

Таваллуд кунлари, байрам арафалари дўсту шогирдларидан даста-даста қўтуловлар, табриқлар келиб туриши фикримиз далилидир. Мана улардан бири:

"Ҳурматли Комилжон ака!
Устоз, кўшалоқ байрамингиз муборак бўлсин. Кўплаб шогирдларингиз қатори менга кўрсатган меҳрибончилигингиз, соҳа бўйича берган панду насиҳатларингиз бугунги кунда ўз самарасини бераётганидан гоятда хурсандман.

Бугунги шоддана кунда Сизга мустаҳкам соғлиқ, узок умр, оилангиз, ёру дўстларингиз, шогирдларингиз бахтига омон бўлишингизни тилайман.

Бахтиёр Ҳақимов,
Яққасарой тумани ИИБ бошлиғи."

Комилжон ака жами дўст, ёшларга қадрдон устоз бўлиш билан бир қаторда катта оиланинг бошлиғи ҳамдир. Тошкент тумани Ҳасанбой қишлоғи аҳолиси бу оилани катта ҳурмат билан эъзозлайди. Муҳайё ая ва Комилжон аканинг турмуш қуришганига 53 йил бўлди. 5 фарзанднинг комил инсон бўлишларида кўпларидан келган ҳамма ишларни бажаришди. Катта қизлари Дилбар шифокор, Муқаддас ўқитувчи, Муаттар тиббиёт ҳамшираси, Насиба савдо ходими, ўғиллари Алишер эса муҳандислик касбини эгалладилар. Ҳаммалари олий маълумотли мутахассис. 9 неварга, 2 эваранинг меҳрибон бобоси. Маҳаллада бўлиб турадиган тадбир, ҳашарларда маслаҳатгўйи Комилжон ака ҳамон сафда.

Хон назарига тушган бу табаррук элданодан қайтар эканмиз, отахонга оиласи, бола-чақаси ва шогирдлари бахтига соғ-саломат бўлишларини тилаб, тенгдош дўстлари ёнида дуога қўл очдик.

Баҳром НАЗАРОВ,
Республика прокуратураси кадрлар бошқармаси прокурори.
Наврўза ЛУТФУЛЛАЕВА,
"Ҳўқўқ" мухбири

"АСАКА" БАНК МИЖОЗЛАР ХИЗМАТИДА

МУЛКЧИЛИК шаклларининг турлиги тижорат, ихтисослашган банкларни вужудга келишини тақозо этди. Ихтисослашган давлат акциядорлик "Асака" банки ана шу мақсадларни амалга ошириш йўлида бундан беш йил бурун ташкил этилган эди. Аввалга автомобилсозлик мажмуғига хизмат кўрсатиш мақсадида тузилган ушбу банкининг нуфузи йил сайин юксалиб борди. Бугунги кунда "Асака" банк мамлакатдаги етакчи банклар қаторида туради.

МАЪЛУМКИ, ҳар бир банк муассасаси мамлакат равнақига ҳисса қўшиш, халқ оғирини енгил қилиш, муаммоли бирор вазифани зиммасига олиб, уни ҳал этишга интилиши лозим. "Асака" банки айна шу йўлдан бораётди. Халқро молия ташкилотлари "Асака" банки билан фаол ҳамкорлик қилаётгани эътиборга молик. Хусусан, Осие тараққиёт банки, Европа тараққиёт ва тикланиш банки — жами 24 та банк билан бевосита ҳамкорликлар йўлга қўйилган. Мунтазам мулоқот ва ҳамкорликлар тўғрисида кейинги 1,5-2 йилнинг ўзиде ўндан ортик истиқболли кредит линиялари очилди. Бундай молиявий қўлайликларнинг дастлабки натижалари кўзга ташланиб қолди. Масалан, "Конмит" Ўзбекистон-Буюк Британия Қўшма корхонаси ўз маҳсулотини бера бошлади. Корхона лойиҳаси баҳоси 4,5 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Ҳозиргача қарий 3 миллион АҚШ долларини миқдоридеги маблағ ўзлаштирилди. Корхона импорт ўрнини босувчи вафли, печенье, қоркер ва бо-

шқа болаларбоп қандалат маҳсулотлари чиқармоқда. Бу маҳсулотларнинг бозори чаққон.

"ВИСО" Ўзбекистон-Австралия қўшма корхонаси Европа тараққиёт ва тикланиш банки кредит линияси бўйича 4 миллион 190 минг АҚШ доллари ўзлаштирди. Бу корхона ишлаб чиқараётган ишчилар ва ҳарбийлар учун мўлжалланган пойафзалларнинг 35 фоизи экспорт қилинмоқда. Ўзбекистон-Чехия, Ўзбекистон-Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар ишбилармонлари, тадбиркорлари, сармоядорлари билан ҳамкорликдаги лойиҳаларга маблағ ажратишда муайян ҳисоб-китобларга таянган ҳолда таваккаллик қилинди. Натижалар ёмон эмас. 2000 йилдаги жами кредит қўйилмалари 30 млрд. сўмдан ошди ва шу йилнинг 1 январиде 50 млрд. сўмга етди.

ХАЛҚАРО молия корпорацияси йўналиши бўйича ҳозирги пайтда 16 лойиҳа ўрганилапти. Бу лойиҳаларнинг умумий миқдори 15 млн. АҚШ долларидан ошиши кўзда тутилган. Банк кредит сиёсатида кейинги йилларда кичик ва ўрта бизнесга маблағ ажратиш кўнайиб бораётганини таъкидлашмиз лозим. Мамлакатимизда мулкдорлар синфи шаклланимоқда. Бу айниқса қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқарувиде, тадбиркорлик, фермер, ижарачилар кўринишларида намоён бўлмоқда. Кичик ва ўрта бизнес мулкчилиги шаклидаги энг оммавий йўналиш бўлиши кутиляпти. Жараёнларнинг бориши, олиб борилган мониторинг натижалари шуни кўрсата-

пти. "Асака" банки шуни ҳисобга олиб кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиялаштиришнинг истиқболдаги муҳим вазифалиридан деб билмоқда. Ўтган йили банк тарихида бу соҳадаги энг кўп кредит: қарийб 8,5 миллиард сўм ажратилди. Янги минг йилликнинг дастлабки йиллида ҳам бу фаолият изчил давом эттириляпти. Маблағ асосан корхоналарни қайта таъминлашга, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ажратилапти. Истиқболли, фойда келтириши мўқаррар бўлган лойиҳаларга имтиёзли кредитлар ажратиш, тўлов қобилияти кучли бўлган миқозларни банк хизматида жалб этиш борасида ҳам қатор ишлар олиб бориляпти.

БАНК кредит портфелини шакллантиришга мамлакатдаги аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олиб ёндошмоқдаки, бу ўз самарасини бераётди. Жумладан, маълум даражадаги маблағ фармацевтика саноатини молиялаштиришга ажратилмоқда. Масалан, 2000 йилда ушбу йўналишга ажратилган кредит 2 миллиард сўмдан ошиб кетди. Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма корхонаси "Корфармасанолт" учун 3 миллион 350 минг АҚШ доллари ажратилди. Халқро молия корпорацияси билан ҳамкорликда амалга оширилган мажур лойиҳа тўғрисида корхона маҳсулотларининг 30 фоиздан ошми экспорт қилинмоқда.

ЖИСМОНИЙ ва юридик шахсларнинг бўш маблағларини банкка жалб қилишнинг аҳамияти катта. Бундаги муҳим масала омонатчиларнинг ҳуқуқларини чуқур билишларига бог-

лик. Фақат кейинги 1 йилнинг ўзиде омонатчилар сафи 4700 нафарга кўпайди ва жами омонатлар миқдори 2 млрд. сўмга етди.

"АСАКА" банки фаолияти миқоз истагига бўйсундирилган, десак муболага бўлмайди. Масалан, сиз валюта ҳисоб рақами очмоқчисиз. Марҳамат, фақат Тошкентдагина эмас, барча филиалларда ҳам бу операция қўсқа дақиқаларда ҳал этилади. Валютани қайтариб олмақчисиз, марҳамат, маҳтал бўлмайсиз. Масала зудлик билан ҳал этилади. Қолаверса, банкмиз валюта омонати учун мамлакатда энг юқори даромад тўлаётган ягона муассасадир. Биз йиллик даромадни 8 фоиз белгиладик ва бунди миқозлар илғаб олдилар. Валюта ҳисоб рақамларини онган миқозлар мамлакатимиз худудидаги барча филиалларимизда бор ва сафлари кун сайин ошиб борапти. Ҳозиргача валюта ҳисоб рақами онган миқозларимиз сони 1200 нафардан ошиб кетди. Айниқса бир бор ҳисоб рақами очиб, керак вақтда зорикиб-зўриқмай, валютасини олган, мақсадли ишлатиб, яна банкка қўйган миқозлар сони ортиб борапти.

БАНК миқозларга пластик карточкалар воситасида хизмат кўрсата бошлады. Бу ҳам банк тизимида ва умуман банк ҳаётидаги муҳим ва нуфузли марралардан биридир. Чунки мамлакатимиздаги тижорат банклари ичиде фақат икки банк муассасасида — Миллий банк ва "Асака" банкнда шундай карточкалар муомаллага чиқарилди ҳолос. Бугунги кунга келиб эса бу ҳар икки банк пластик карточкалар муо-

маласини умумлаштириб, қўшиб юбордилар. Ҳозир қўлида пластик карточкаси бўлган ҳар қандай миқоз Миллий банк ёки "Асака" банкининг мамлакатдаги бирор нуқтасидан ўзига тегишли пул маблағларини карточка воситасида олавериши, коммунал хизмат, савдо хизматидан транспорт воситаларига чипталар харид қилишда тўловларни нақд пулсиз амалга оширишлари мумкин.

"АСАКА" банки ранг-баранг хизматлар билан миқозлар ишончини қозонди ва уни изчиллик билан чуқурлаштирмоқда. Шунинг учун ҳам банклар фаолиятига баҳо берувчи халқро агентликлар банкни дунёдаги энг ишончли мингта банк таркибига киритишди.

"ТИЖОРАТ банклари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида" (1998 йил 2 октябрдаги Президент фармони)ги Президент фармонига асосан тижорат банкларини ислоҳ қилиш, уларда давлат ҳиссасини камайитириш жараёни давом этмоқда. "Асака" банки ҳам шу йўлдан оғишмай бормоқда ва ўз акцияларини сотиш учун хорж инвесторларини жалб этмоқда. Шу билан бирга мамлакатга хорж валютасини, тадбиркорларини жалб этиш устида, ўрта ва кичик бизнес субъектлари эҳтиёжларини янада кенгроқ қондириш йўлида иш олиб бормоқда**.

Баҳодир МИРБОБОВ,
"Асака" банк
бошқаруви раисининг
ўринбосари

КАСБИНИНГ ФИДОЙИСИ

Шундай инсонлар бўладики, улар бутун умрини, қалб-қўрини севган касбига бағишлайди. Бастамжўл Сайитқуловни шундайлар қаторига қўшиш мумкин. У Фориш туманидаги тоғли Нарвон қишлоғида оддий чўпон оиласида туғилди. Ёшлигидан отаси билан бирга қўй боқиб юриб, кейинчалик ветеринарлик касбига ҳавас уйғонди. Чиноз ветеринария техникумини тугатиб, 1964-йилда Самарқанд Қишлоқ ҳўжалик институтининг ветеринария факультетида ўқишга кирди. Ўқишни муваффақиятли тугатиб, иш фаолиятини Бахмал туманида оддий ветеринарликдан бошлади. Қисқа муддат ичиде оддий ветеринар врачлигидан шу тумanning қишлоқ ҳўжалик бошқармасида чорвачилик бўйича бошлиқ муовини даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди.



Тажрибаси ва ўз касбига садоқати ошиб борган Бастамжўл ака кейинчалик ўз фаолиятини Самарқанд вилоятида давом эттирди. 1986 йилда Республика Аграрноат мажмуининг чорвачилик бошқармасига, 1990 йилда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг ветеринария бош бошқармасига бошлиқ вазифаларида хизмат қилди. У ишлаб чиқаришдаги фаолияти даврида ҳам илмий ишини ҳам давом эттирди ва "Қорақўл кўчқорларини ирсийлик хусусиятларининг санитария ҳолатини яхшилаш" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Унинг ҳозиргача 26 та илмий мақоласи, 3 та китоби чоп этилган. 1990-93 йилларда қўйдирги касаллигига қарши ишлаб чиқилган янги вакцина ўрта Осие мамлакатларида биринчи марта Ўзбекистон шароитида синовдан ўтказилиб катта ютуқларга эришилди. Бу касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш услубларини яратишда Б. Сайитқуловнинг ҳам ўрни бор. Бугунги кунларда ҳам бу йўналишдаги илмий ишлар давом этапти.

1995-98 йиллар давомида Б. Сайитқулов Фориш туманининг ҳоқими этиб тайинланди. Туғилиб ўсган тумани учун меҳнатини аямади.

Президентимизнинг алоҳида эътиборлари натижасида, республикаимизда мавжуд қорақўл қўйларни наслини сақлаб қолиш, иқтисодиётимизнинг маълум бир бўлага бўлган бу соҳани ривожлантириш мақсадида "Ўзбек қорақўли" компанияси ташкил этилди.

Қорақўлчилик ушбу соҳанинг асосий маҳсулоти бўлган қорақўл териларини ишлаб чиқариш манбаи бўлибгина қолмасдан, балки арзон гўшт, жун, чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш манбаи ҳамдир. Наслчилик ишларини такомиллаштириш, қорақўлчилик ҳўжаликлари ва корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда Республикада қорақўл қўйлар генофондини сақлаб қолиш мақсадида 31 та наслчилик, 82 та товар ҳўжаликлари, 11 та қўйларни бўрдоқига боқиб ва қорақўл етиштириш ҳўжаликлари ҳамда 2 та саноат корхоналари бир тизимга бирлаштирилди. Ўз соҳасининг билимдонни, тадбиркор раҳбар Б. Сайитқулов ҳозирда ушбу компания раҳбарлик қилмоқда. Ўз касбига садоқат, фидойиликни Бастамжўл акадан ўрганса арзийди**.


Камолитдин БЕДИЕВ

SM-SERVICE

Барча турдаги компьютер, факс, принтер ва нусха кўчириш техникаларини таъмирлаш, сервис хизмати кўрсатиш; Мониторларни таъмирлаш; Нусха кўчириш аппаратларининг картрижларини тиклаш; Компьютерларни такомиллаштириш; Дастурлар билан таъминлаш; "Вирус"лардан даволаш; Полиграфия ва нусха кўчириш хизматлари; Камбё аппаратларни тонерлар билан таъминлаш ишларини аъло даражада бажаради.

Манзил:
Тошкент ш.,
Ц-5, 38-уй,
7-офис.

Мурожаат учун телефонлар:
(3712) 35-10-30. Fax: (371) 137-66-20.



Криминалистика бўлимининг мутахассислари марказий маҳкаманинг терговчилари томонидан тергов қилинаётган жиноят ишлари бўйича тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида янги криминалистика техникаларини қўллаган ҳолда самарали ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Жумладан, улар жорий йилнинг 5 ойи давомида 93 та тергов ҳаракатларининг ўтказилишида фаол иштирок этдилар.

Амалга оширилган бу вазифалар дастлабки терговнинг тўлиқ, ҳар томонлама ва одилона олиб борилишини, аниқланган далилларнинг ўз вақтида процессуал мустаҳкамланишини, айбдор шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Айниқса, улар томонидан ўзларига юклатилган вазифаларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилиши учун замонавий компьютер ва бошқа техникавий воситалардан фойдаланиш тўғрисида йўлга қўйилганлиги мақтовга лойиқдир.

Суратда: Ўзбекистон Республикаси прокуратураси криминалистика бўлимининг етакчи мутахассиси В.Мисин ва 1-даражали мутахассиси Р.Мусаев қасддан одам ўлдириш ва номусга тегиш жиноятлари тўғрисидаги тезкор маълумотларни махсус компьютер дастурида ўрганиш билан шуғулланимоқдалар.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МУҚАДДАС

ФУҚАРО ПРОКУРОРДАН МИННАТДОР БЎЛДИ...

Гурланлик Ширин Оллоберганова 1994 йилдан буён туман умумий оқватланиш корхонасида бош ошпаз вазифасида ишлаб келаётган эди. Бирок 1998 йилда корхона раҳбари Б.Малишев уни ҳеч қандай сабабсиз вазифасидан четлаштирди.

Ш.Оллоберганова эса "аёл бошим билан ғавго солиб нима ҳам қилардим, тинчгина юрарсам яна бир иш тоғилиб қолар" деган андиша билан ҳеч кимга арз қилмади. Бирок, кўчага чиқса кўшилари, қариндошлари: "Тинчликми, нега бўшатишди? Еки бирор ноҳўя иш қилдингми?!" дея тинчлик беришмасди.

Нихоят бош ошпаз ҳақ-ҳуқуқини тиклашда ёрдам беришларини сўраб, тегишли давлат муассасаларига шикоят йўлади. Ўз навбатида шикоят қонуний ҳал қилиш учун Гурлан туман прокуратурасига жўнатилди.

— Илгарилари прокурорларни фақат давлат айбловчиси сифатида тасаввур қилар эдим. Энди эса улар қонун ҳимоячиси, эл-юрт посбони эканлигини англаб етдим. Негаки, мен яна ўз касбимда ишлапман. Менинг ҳуқуқларимни ҳимоя қилишга ёрдам берган туман прокурори А. Айтмуротов ва прокурор ёрдамчиси О. Матназаровларга оиламиз номидан миннатдорчилик билдираман, — деб ёзади Ш.Оллоберганова Хоразм вилоят прокурори Д.Исроилов номига йўллаган мактубида.

Хоразм вилоят прокуратура идоралари ходимлари номига илк сўзлар битилган бундай мактублар кўпчиликини ташкил қилади.

Навбатдаги мактуб Урганч туманидан: "...Шу йил 14 февраль куни ёзган аризам текшириш ва чора кўриш учун Урганч туман прокуратурасига юборилган эди.

Мен аризамда "Халқ банки"нинг Урганч тумани «Қоровул» бўлимида кредит-ссуда берилишидаги муаммолар, банк бошқарувчисининг ноқонуний равишда кредит-ссуда берган ҳолатлари, таниш-билишчилик каби иллатлар илдиз отиб кетганлиги, шахсий манфаатлар давлат ва жамият манфаатларидан устун қўйилиши оқибатида давлатимиз иқтисодийётига зиён етатганлиги хусусида баён қилган эдим. Ушбу фактлар прокуратура томонидан текширилиб, ҳақиқатан ҳам ноқонуний ҳолатлар мавжудлиги аниқланган. Бунинг учун туман прокуратураси ходимларига ўз миннатдорчилигини билдираман.

Зеро, мамлакатимиз иқтисодийётига ва фуқаролар манфаатига путур етказган шахсларга қонуний чоралар кўрилишини таъминлаш ҳам қонун устуворлигининг бир кўринишидир.

Ҳурмат билан К.Санаева, Урганч тумани.»
Шу ўринда ҳазрат Навоийнинг пурҳикмат бир байти кўнгилдан ўтади:

Кимки, бир кўнгли бузунинг
Хотирин шод айлағай
Онча борким, Каъба вайрон
Бўлса обод айлағай

Б. БОБОЖОНОВ,
журналист

ХАЛҚАРО ХАЁТ
ВОҚЕАЛАР **ХАБАРЛАР** **ШАРҲЛАР**

НОРОЗИЛИК АВЖ ОЛМОҚДА

Исроил ҳукуматидаги ашаддий консерваторлар ва либерал кайфиятдаги ўнгллар фаолиятида Фаластин билан муносабатлардаги муроса-



созликка қарши норозилик яна авж олмоқда. Бу ҳолат, айниқса БМТ бош котиби Кофи Аннаниннинг Яқин Шарққа қилган расмий ташрифи ниҳоясида яққол кўзга ташланиб қолди. Аннан Исроил ташки ишлар вазири Шимон Пересага Фаластин раҳбари Ёсир Арофат билан музокара ўтказишни таклиф қилган ва бунда АҚШ воситачилик қилишини ҳам илова қилиб ўтган эди. Шимон Перес Арофат билан учрашишга тайёр ёки тайёр эмаслигини очик айтмаган бўлса-да, "терроризмга қарши дипломатия йўли билан курашган маъқул" дея фикр билдирган.

Бош вазир Ариэл Шарон БМТ бош котибининг таклифига мутлақо қарши эканлигини маълум қилди. Унинг айтишича, ҳар қандай музокара фақатгина фаластинликларнинг яхудийларга қарши уюштираётган ҳужумларига чек қўйилганидан кейингина бўлиб ўтади.

ТАЛАБАЛАР НАМОЙИШДА

Кеча Индонезия пойтахти **Жакартада юзга яқин талаба иштирокида норозилик намоийши бўлиб ўтди. Намойиш иштирокчилари асосан Жакарта университет талабаларидан иборат бўлиб, улар яқинда маъмур университет талабаларининг полиция томонидан ҳибсга олинганлигига ўз норозиликларини билдириш учун чиқишди. Гувоҳларнинг шохидлик беришларича, пойтахт кўчаларида полиция чилар ва намоийшчилар ўртасида ҳақиқий муштаклашувлар ҳам юз берган. Талабалар полициячиларни тошлар ва шиша идншлар ёмғири билан "сийлашган".**

ТЕРГОВ ЯКУНИГА ЕТДИ

Слободан Милошевич иши юзасидан олиб борилаётган тергов ниҳоят у ой деганда якунига етди. Яқин кунлар ичида собиқ президент озодликка чиқади ёки аксинча, унга нисбатан расман айблов эълон қилинади. Милошевичнинг ўзи озодликка чиқишига кўзи етмапти чоғи, яна ўзига қўйимча равишда саккизта адвокат ёллади. Лекин, шуниси аниқки, собиқ диктаторни ҳар қандай эҳтиёткорлик ҳам халқаро трибунал курсидан сақлаб қололмайди.

Айни пайтда Сербия Милошевични Гаагадаги халқаро трибуналга топшириш керакми, йўқми деган масаладаги умумхалқ фикрини ўрганишга тайёргарлик давом этмоқда. Республиканинг янги ҳукумати Милошевич ҳукумати даврига оид ҳужжатларни оммага ошкор қилишга қарор қилгани маълум.

Янги ҳукуматнинг эътироф этишича, коммунистик режим даврига тегишли ҳужжатларнинг барчасини асраб қолишининг имкони бўлмаган — уларнинг ўта муҳимлари собиқ диктаторнинг содиқ одамлари томонидан ёки юборилган эди. Тахминларга кўра, ёниб қул бўлган ҳужжатлар орасида "отишга маҳкумлар" рўйхати ҳам бўлган. Айтганча, Милошевичга бунинг учун яна бир — ахборотларни йўқотганлик бўйича ҳам айб "илинади".

Бош вазир Зоран Жинжич зўр бериб Милошевичнинг БМТ харбий судига берилишини талаб қилаётгани ҳолда, президент Коштуница собиқ президентни Сербияда, иқтисодий жиноятлари учун суд қилиш тарафдори.

ҚОЧОҚ МАҲБУСЛАР

Марказий Америкада жойлашган Гватемала мамлақати қамоқхоналаридан бирида сақланаётган маҳбуслардан 74 таси қочиб кетишга муваффақ бўлишган. Қотиллик ва одам ўғирлаш каби оғир жиноятлар содир этганлиги учун қаттиқ тартибли қамоқ жазосини ўтаётган бу маҳбусларнинг кўпчилигини олий жазо кутмоқда эди.

Жиноятчилар икки кўриқчини, полиция зобитини ўлдиришга ва қамоқхона ходимларидан яна уч кишини ярадор қилишга улгурганлиги ҳақида маълумотлар бор. Баъзи манбалар эса фақатгина бир киши — полициячи аёл ярадор бўлганлиги ҳақида маълумот тарқатган.

Тартибсизликлар чоғида маҳбуслардан бири полициячилар томонидан ўлдирилган, яна бештаси тутиб қолинган.

Турма бошлигининг сўзларига қараганда, маҳбуслар томонидан тартибсизликлар жазони ўтаётганларни кўриш учун келганларни қабул қилиш пайтида содир этилган. Маҳбуслар фойдаланган қуроллар уларнинг қўлига қандай келиб қолганлиги номаълумлигича қолмоқда.

ТЕРРОРЧИ

ҲИБСГА ОЛИНДИ

Ҳиндистон полицияси биринчи рақамли террорчи **Усома бин Ладинга алоқадор гуруҳ аъзоларидан бирини ҳибсга олган. Маълум бўлишича, ҳибсга олинган хинд миллатига мансуб киши Ҳиндистон ва Бангладешдаги АҚШ элчихоналарини портлатишни режалаштирган экан. Тергов баёнотида террорчи дастлаб мослама ўрнатилган автомобил ёрдамида Деҳлидаги АҚШ элчихонасини портлатишни мақсад қилганлиги қайд этилган. Унга нисбатан аллақачон жиноят иши қўзғатилган.**

МАРСДАН КЕЛИБ ҚОЛГАН ТОШ

Бир гуруҳ швейцариялик олимлар Уммон чўлларида 223 грамм вазили метеорит парчасини топишга муваффақ бўлишган. Экспертиза хулосаси бу тош бўлаги Марс сайёрасидан келиб қолганлигини тасдиқламоқда. Марс таркибини ўрганиш билан шуғулланаётган олимлар учун бу топилма бебаҳо ҳисобланади: бунга тошларнинг 1 грамми 900 долларга баҳоланар экан.

Internet
хабарлари асосида
С.Фозиев тайёрлаган

МУТОЙБА

ХОМХАЭЛ ЁХУД

«ЭЗИЛГАН ЭРКАКЛАР ЖАМИЯТИ»

Эрталаб ишхонага келиб, энди жойимга ўтирарканман, бошлигимиз котибаси, ўша, кишда қор сўрасанг, қаҳрини сочадиган жувон бир чойнак чой билан иккита пахта гулли пиелани мулозамат билан столим устига қўйиб, чиқиб кетди. Хангу манг бўлиб қолдим. Бу нимаси? Нега бу опахон бунчалар ўзгариб қолди? Уйланиб турганим, раҳбаримиз шашт билан хонага кириб, ёнимдаги стулга чўқди.

— Сен билан икки оғиз галлашиб олмоқчи эдим. Қани, чойдан қуй!
— Ҳозир, домла, Ҳозир, — дедим шошилиб.
— Хўш, қани айт-чи, — деди домла чойдан ҳўллар экан, — сўфи азон айтмасдан ишхонага келиб ўтирсин, деб сенга ким буйруқ берган?

— Домла, ўз вақтида келаяпман, — дедим гап нимадалигини тушунмай.
— Ҳамма гап мана шунда! Кечикмасдан ўз вақтида келиб турибсан. Қанака ижодкорсан ўзи? Кечаси соат уч-тўртгача ижод қилган киши уйкуга тўйиб, тушликка яқин келсанг бўлмайдими? Одам ўзига ҳам сал эътибор бериши керак-да. Хўш, анави ёзаётган нарсанг нима бўлди?

— «Эзилган эркаклар жамияти»нинг уставими? Тугатай деб қолдим.

Хайрият, шу пайт котоба кириб домлани юқоридан кимдир телефонга қақираётганини айтиб қолди. Домла чиқиб кетди. Талмовсириб турардим, йўлақда бугалтеримизнинг овози жарағлади:

— Йўлдош ака деган одам борми бизларда ёки бўшаб кетганми?
— Борман, борман, — дедим йўлакка отилиб чиқиб, — бўшаб қаёққа ҳам борардим. Хўш, нима гап?

— Яна нима гап дейди-я. Қанака одамсиз ўзи? Инсоф деган нарсадан зигирча борми сизда? Шунчаёқ куттирадими одам деган.

— Нима гуноҳ қилибман? Кимни куттирибман?

— Нима гуноҳ қилибман, дейсизми? Гуноҳ эмас бу, ака, жиноят. Кассиримиз Акмал ака сизни уч кундан бери кутади. Сиз калондимоғлик қилиб, ойлигингизни олмай юргангиз учун Акмал ака билан мен чўнтагимиздан жарима тўлаймиз, ака.

— Ахир бугун эндигина ойнинг учинчи куни-ку... Ҳар сафар уч-тўрт кун кечкики олганимиз учун...

— Кечкикиларга чек қўйилган. Биз ходимларимизга иш ҳақини пешоналаридидаги тер қотмасдан бериш йўлига ўтганмиз. Боринг, кассиримиз кутиб ўтирибди.

Акмал ака қўлимга тутказган пулнинг чўғи анча балинд кўринди.

— Ака, адашмадингизми? — сўрадим ҳар эҳтимолга қарши.

— Биз адашишимиз мумкин, аммо компьютер адашмайди, — деди у. — Қўлингиздаги пулнинг қўлигига келсак, жамоамиз мажлисининг қарорига қўра ойлигимиз икки баробар ошган. Бунинг устига, Сизга бир ойлик иш ҳақи микдорида муқофот ёзилган.

Бу янгиликлардан ҳаяжонланиб, тушлик вақти бўлганини ҳам сезмай қўлибман. Секин сумакамни кўтариб, ошхонага йўл олдим. Ичкарига кириверишда узоқдан ошпазимиз Эркин ақанинг овози қўлогимга чалинди:

— Келинг, келинг, аяхон. Хўш, бугун кўнгиллари нимани тусайди?

— Ҳар кунгидек, яримта шўрва, яримта ош, нон, чой.

— Гап бўлиши мумкин эмас, — деди Эркин ака қўлига Ҳасан қўлбарнинг қосасидек катта чинни қосани олarkan. Рази солиб турибман, бир қосага қўйинг яримта сонини солдиёв, чамамда. Ошни ҳам ёғлиққона қилди. Овқатлана бошладим. Қанча олмайин, шўрвадиги гўшт тугай демайди. Қолдириб бўлмайди, увол. Бир амаллаб ошни ҳам тугатдим, аммо чой билан нонга қоринда жой қолмади. Ошнинг тагида қолган мойни сумақадаги "Тошкент сув"нинг шишасига солсам, оғзи баравар тўлди. Кенройнинг буни бемалол бир хафта овқатга ишлатади. Ўзим ниқлаб тўлдирилган қанорга ўхшаб тиккайиб қолдим. Базур ўрнимдан туриб ошпазининг ёнига бордим.

— Эркин ака, ҳақи қанча энди?

— Сизга бепул, аяхон.

— Тушунмадим, нега энди?

— Тунов кунги галларингиз ошхонамиз директори Исмоил акага жуда ёқибди. Жуда ажойиб киши экан, еган овқатига ҳақ олманг, камомад бўлса менинг ҳисобимдан, деб қаттиқ тайинлаб қўйдилар.

Ишхонага қайтиб келдим, аммо қўлим ишга бормади. Сумакамни кўтариб кўчага чиқдим. Ёмғир ёғаман деб турибди, метрогача эса таҳминан уч юз метр юришим керак. Ичимда нимадир "шунча ойлик олдинг, бир марта мазза қилиб таксида кетмайсанми", дегандек бўлди. Такси тўхтабди. Машина ўқдек учаркан, унинг очик деразасидан совуқ шамол аралаш ёмғир томчилари юзимга урила бошлади. "Яхшиям таксига чиқибман, — ўйладим ўзимча, — акс ҳолда ёмғирда қоларканман". Бирдан машина худди ўйдим-чўқур йўлдан кетаётгандек қаттиқ силкина бошлади. Бир сафар шунчалар қаттиқ силкиндики, қўрқанимдан ўриндиқдан сарқаб ... тўшака ўтириб қолдим.

— Хайрият-эй, ўйғондингизми? Юзингизга сув сепсам ҳам сезмайсиз-я. Соат саккиз бўлай деспяти. Болалар мактабга кетишди. Мен ҳам ишга кетаяпман. Ҳа, айтгандай, уйда гўшт, ёғ, ун қолмади. Бугун ишхонангизда ойлик беришар.

— Билмадим, кеча ҳеч қанака гап бўлмаганди, — дедим мингирлаб.

— Нега билмайсиз? Нега галирмайсиз ахир, бундан уч кун олдин олишингиз керак эди-ку. Қисқаси бугун гўшт, ёғ, ун олиб келинг, — шангиллади хотиним ва ашиқни ёпиб, чиқиб кетди. Соат саккизга бонг урди. Бир бурда нон билан бир пиёла совуқ чойни паққос тушириб, ишга югурдим. "Эҳтимол улгурарман, аммо кечиксам ҳам кўпти билан ўн беш-ийгирма дақиқа кечикарман", — ўйладим ўзимча.

(Давоми бор.)

Йўлдош ПАРДА

БОШҚОТИРМА



РЕКЛАМА
ва ҳуҷусий
ЭЪЛОНЛАРНИ
«ҲУҚУҚ»да ЖОЙЛАШТИРИШ

☎ 77-68-67; 77-59-31

Моҳияти
Сўз таъсир
қилмаган
одамга калтак
ҳам ўтмайди.
СУҚРОТ

ЭНИГА:

1. Офтобсевар ўсимлик.
2. 4. Ҳам парранда, ҳам калория.
3. 7. Сувоқчилик асбоби.
4. 8. Илгари ўғри топилмаса, "барибир ўғри" дея жазоланган ҳунарманд.
5. 9. Ургончи қонхўр, ўтхўр пашша.
6. 10. Семиз одам ўхшатиладиган йиртқич ҳайвон.
7. 12. Филнинг пичоқ сопибод тиши.
8. 16. Журнал ёки газетанинг қўшимча наشري.
9. 17. Ҳарбий бошлик, қўшин қўмондони.
10. 21. Инглизча ўлчоулар тизимида узунлик бирлиги.
11. 23. Япониядаги шаҳар.
12. 26. Фарҳоднинг дўсти.
13. 27. Тирноқни ажратиш қўйин бўлган қўш.
14. 28. Осудалиқ, жимликда чўқадиған ҳол.
15. 30. Лотин алифбоси ҳарфи.
16. 31. Спартакликларнинг кули.
17. 32. Туя унганда осмонда кўринадиган жонивор.
18. 34. Оврўпача мадҳия-жанри.
19. 35. Ўзбекча "оптимист".
20. 37. Пулли ёки бошқа шаклда бериладиган ҳақ.
21. 40. Кийикнинг боласи.
22. 42. Диоптри топографик чизгич.
23. 43. Субтропик "картошка".
24. 45. Боксчи ёки курашчиларни тоифаларга ажратувчи хусусият.
25. 49. Хавосиз қиздириб олинувчи қора қуюқ моцца.
26. 51. Рузғор буюми.
27. 53. "Қурьон" сураларидан бири.
28. 54. Ҳам оғайни, ҳам Абдураимов.
29. 58. Бузуқликдан орттирилдиган касалик.
30. 59. Тошкентдаги лағмон, қаёби билан машҳур мавзе.
31. 60. Дурадгорлик асбоби.
32. 62. Франция футбол клуби.
33. 64. Хитой гарбидиги шаҳар.
34. 66. Қисқа масофаларга мослашган югурувчи.
35. 68. Сўз санъати.
36. 70. Туркиядаги шаҳар.
37. 72. Инсонни ўрганувчи биологик фан.
38. 73. "Таблетка"нинг ўзбекча номла-ниши.

БЎЙГА:

1. Чолгу асбобини эслатувчи гул.
2. Кенгаш ёки йигин ҳайъати.
3. Ун маҳсулооти.
4. Жаҳл ўйғотадиган қаҳр.
5. Қиримдан катта чиким келтирадиган зиён.
6. Довли экин тури.
7. 11. Россиядаги "мотоцикл"соз шаҳар.
8. 13. "Қора" қитъа.
9. 14. Томчиси отни ўлдирадиган моцца.
10. 15. Одамнинг ўзи тишлай олмайдиған қўл қисми.
11. 18. Учи эгри қилч.
12. 19. Қадимда қурол ҳам бўлган қўш укли мослама.
13. 20. Ичлидиган катъий ваъда.
14. 22. Нобель ихтиро қилган портловчи моцца.
15. 24. Ўзбек ҳажвий ёзувчиси.
16. 25. Касаликдан сўнг қоладиган из.
17. 26. Емон ҳўкиз синдирадиган омон қисми.
18. 27. Жасад бошининг тангиладиган қисми.
19. 29. Туркий уруғлардан бири.
20. 33. Қовун нави.
21. 36. Номии бўйча "бадавлат одамга фарзанд" қуш.
22. 38. Андерсенга илҳом берган сувсевар парранда боласи.
23. 39. Ўзбек кинокомедияларидан бири.
24. 41. Мусикада товушлар бирлиги тури.
25. 44. Паёғамбарлардай бири.
26. 46. Кимсасиз оролнинг "якҳоқими".
27. 47. Кенг тарқалган минераллардан бири.
28. 48. Хандасавий шакл.
29. 50. Бодрингта ўхшаш полиз экин.
30. 52. Иши яккама-якка олишув бўлган спортчи.
31. 55. Юнон мифологиясида осмон гумбазини кўтариб турувчи баҳоидор.
32. 56. Соч-соқлга "душман" асбоби.
33. 57. Қадимий зирқли жанг кийими.
34. 61. Қадимий тошотар қурол.
35. 63. Хайдалганда шикиллаштиш сўралдиган оёқ қисми.
36. 65. Ёзувчи Асқад Мухтор романи.
37. 67. Биринчи "фазогир".
38. 69. Олтиндан аъло олқуш.
39. 71. Гузаликни ҳис этиш қобилияти.

ҲАЛИ АЙТИЛМАГАН ЛАТИФА

— Кеча янги латифа эшитдим. Сенга ҳали айтиб бермадим, шекилли?
— Қизикмиди?
— Жудаям!
— Унда ҳали айтмасан...

Мактаб. Ўқитувчи болаларга ҳисоблаш амаллари тушунтираяпти. Доскага 2:2 ни ёзиб сўради:
— Болалар, бу нимани билдиради?
— Дуранг! — жўр бўлиб жавоб беришди болалар.

Яна мактаб. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш

усулларини ўргатаётган ўқитувчи бир боладан сўради:
— Айттайлик, уканг қалитни ютиб юборди. Сен шундай вазиятда нима қилардинг?
— Уйга деразадан кирардим...

Касалхона. Бош врачнинг ҳисоботидан:
— Беморларни кўришга келаятганлар ичкарига олтинчи қаватдаги деразадан киришаяпти. Шу сабаб беморларимиз олдида келувчилар сони камайиб, касалхонага тушаётганлар сони ортиб бормоқда.

Зоҳид тайёрлаган